VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

9 (18) 2009 йил 4 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz

Ҳаётимиз гули, жамиятимиз таянчи

Аёлларни эъзозлаш, уларга юксак эҳтиром кўрсатиш бизнинг азалий қадриятларимиздан ҳисобланади.

➔ 3-бет

Ёшлар камолоти йўлида

Мустақиллик йилларида келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг камол топиши, таълим-тарбия олишлари учун юртимизда катта ишлар қилинди. Мамлакатимизнинг энг чекка, олис ҳудудларида ҳам замонавий қиёфадаги кўркам таълим даргоҳлари бунёд этилди.

➔ 5-бет



Туризм

Туризм бугунги замон иқтисодиётида катта ўрин тутади, қолаверса, кун сайин такомиллашиб, янгиланиб бормоқда. Гўзал табиат гўшалари, тарихий-маданий осориатиқалар сайёҳликнинг, соддароқ қилиб айтганда, ошу нони.

➔ 7-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
- Ишонч ва масъулият
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш
- Фермерлик
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Фракциялар: қонун ижодкорлиги ва партия мақсадлари
- Тежаган терга тушмас
- Ижро иши
ЖАРАЁН 5-бет
- Тадбиркорлар қонун ҳимоясида
МАЪНАВИЯТ 6-бет
- Йилбошига йўлдош ўйинлар
- Аждодларга муносиб бўлайлик
- Миниатюра анъаналари
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН 7-бет
- Мусейон
- Дунёдан дараклар
РЕКЛАМА ВА СПОРТ 8-бет
- Чемпионат карвони йўлга тушди
- Турфа олам

ЭҲТИРОМ

«Milliy tiklanish» мухбири Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА суҳбатлашди

Аёл

жамиятни гўзал, дилбар ва адолатли қилади

Баҳор — уни ҳамиша орзиқиб, интизорлик билан кутамиз. Бу дилбар фаслда борлиқ бетакрор чирой очиб, яшариб, янгиланади. Еру кўкда илоҳий мўъжизалар, ўзгаришлар рўй беради.

Аёл — у гўзаллик, латофат, вафодорлик, фидойилик тимсоли. У бағрида юрагининг бир парчаси ётган бешик билан бирга миллатни, Ватанни, келажакни асрайди.

Яратганнинг тенгсиз бу икки мўъжизасига таърифу тавсиф берар эканмиз, улар ҳамиша ҳар қандай инсон қалбида ҳайрат, ҳаётга муҳаббат, шижоат, масъулият, меҳр ва саховат каби олижаноб туйғуларни уйғотишини ҳис этамиз. Айни баҳор фаслида табиат гўзаллигининг ажралмас қисми бўлган аёл зотини улуғлаш, унга чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш кўҳна ва миллий анъаналаримизга айлангани ҳам бежиз эмас, албатта. Зеро, қайси мамлакат, қайси жамиятда аёл зоти муносиб ҳурмат, қадр топса, бундай халқни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Шу боис мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Айни пайтда давлатимиз томонидан ҳаётимизнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдод, билим, тажриба ва орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг самараси, аёлларимиз фаолиятида қай даражада акс этмоқда, уларнинг нафақат оилада, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки ва фаоллигини янада юксалтиришда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қандай амалий ишлар билан ҳисса қўшмоқда?

Қуйида ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умаровага ана шундай мазмундаги саволлар билан мурожаат қилдик.

(Давоми 2-бетда)

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши

Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳаммедов олиб борди.

Маълумки, мамлакатимизда мавжуд сиёсий партиялар ўз молиявий фаолиятини "Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг "Сиёсий партияларнинг Уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомига асосан олиб борадилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг регламентига асосан сиёсий партиялар йиллик молиявий фаолияти юзасидан Қонунчилик палатаси депутатларига ҳисобот беради. Шу нуқтаи назардан фракция йиғилишида мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг 2008 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари ва харажатлари ҳақидаги ахбороти тингланди.

Шунингдек, йиғилишда фракция аъзоларининг жорий йил февраль ойининг охирги ҳафтасида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари тўғрисидаги маълумотлари тингланди.

Депутатлар сайловчилар ҳузурида парламентда қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, мамлакатимизда сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида кечаётган демократлаштириш ва эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалаларига эътибор қаратдилар. Шунингдек, учрашувларда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар юзасидан кенг тушунчалар берилди. Жумладан, ҳозирги пайтда энг муҳим ва долзарб бўлиб турган масала - жаҳон миқёсидаги молиявий инқироз ва мамлакатимизда унинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳияти ва асосий вазифаларига кенг тўхталдилар. Шунингдек, сайловчилар Туркманистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи, икки давлат ўртасидаги муносабатлардан кўзланган мақсад ва манфаатлар ҳақида қизиқдилар. Фракция аъзолари сайловчиларга трансчегаравий дарёлар, ундан фойдаланишда халқаро меъёрларга риоя қилиш лозимлиги ҳамда глобал экологик муаммоларни бартараф этиш юзасидан Президентимиз ташаббуслари ва уларнинг моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар ва тушунтиришлар бердилар. Дупутатлар сайловчилар билан учрашувлари натижаларига эътибор қаратар экан, фуқароларнинг йилдан йилга сиёсий ва ҳуқуқий билим ва маданияти ортиб бораётганлигини таъкидладилар.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЖАРАЁН

Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият- енгилмас куч" асарида мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланган глобаллашув жараёнлари ва "Оммавий маданият" таҳдиди чуқур таҳлил этилади. Давлатимиз раҳбари бир ўринда куюнчаклик билан ўз нуқтаи назарини шундай баён этади: "Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак - бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораяптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас".

Бирлашган ўзар...

Олим ТОШБОЕВ, филология фанлари номзоди

Асримизнинг дастлабки давридан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздан муқим жой топиб улгурган вестернлашув, интеграциялашув ҳам ўргимчак дунёнинг бир толаси эмасми? Баъзида глобаллашувни европалашув деган илмийликдан узоқ, чалкаш талқинларни эшитиб қоламиз. Ушбу таъбирнинг тўғри эмаслигига исбот сифатида айтиш мумкинки, Европа давлатларида ҳам антиглобалчилар норозилиги йилдан-йилга ошиб бораяпти. Унутмаслик лозим, глобаллашув шундай ҳодисаки, у таъсир этувчи (субъект) ва таъсирланувчи (объект)ни баб-баравар қамраб олади. Яна бир гап: глобаллашув учун Шарқ Ғарб, Шимол ва Жануб деган тушунчалар йўқ.

Шу маънода, Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ қилинган беш тамойил глобал жараёнларга тайёргарлик, миллий жамият ривожини таъминлашга қаратилган ўзига хос иммунитет деб баҳоланиши лозим.

(Давоми 5-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ЭҲТИРОМ

Аёл

жамиятни гўзал, дилбар ва адолатли қилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ҳаётимизни нафосат, меҳр-муҳаббатга тўлдирувчи нозик ҳилқат эгаларининг чексиз сабр ва матонати, гўзаллиги ва садоқати ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Лўнда қилиб айтганда ҳар бир давлат ва жамиятнинг тараққиёт даражаси аёл зотига муносабатида ўлчанишида қандай маъно-мазмун мужассам деб ўйлайсиз?

— Аёл инсоният тараққиётининг барча даврларида жамиятнинг маънавий қиёфасини белгиловчи тимсол саналган. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги фикрларини келтиришни истардим: "Дунёда жамият ёки давлатнинг нуфузини, маданий даражасини белгилайдиган мезонлар кўп. Лекин, ҳар қандай жамиятда миллатнинг, халқнинг маънавий камолотини ўзида яққол намоён этадиган бир ўлчов, таъбир жоиз бўлса бир кўзгу бор. Бу - ана шу давлат, ана шу жамиятнинг аёлларга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳаётий манфаатларини таъминлашга бўлган муносабатидир". Агар ер юзида хотин-қизларни юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қадрлайдиган давлатлар бармоқ билан санарли бўлса, ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, улар орасида Ўзбекистон етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимиз учун аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, мавқеи, фаоллик даражаси, маънавий, тарихий қадриятларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга софлигича қолдиришдаги роли жамият тараққиётини белгиловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Маърифатпарвар мутафаккиримиз Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, "Хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал қилмасдан, ёш авлодни тўғри йўлдан тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, уни тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир-оқибат миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир". Аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига берилган бу баҳо ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Президентимиз юртимиз мустақиллигининг дастлабки кундаридан аёллар масаласига алоҳида диққат-эътиборни қаратиб: "Аёлларни, оналарни асраш керак, дегани - бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир", деган фикрни илгари суриши ҳам бунинг яққол далилидир.

Аёл бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратади. Дарҳақиқат, аёллар ўзларининг руҳий-маънавий гўзалликлари билан оилада бека ва тарбиячи бўлсалар, жамиятда маънавий устун вазифасини амалга оширишга масъулдирлар. Ўзбек аёллари бугунги кунда ўз ақли, билими, истеъдоди, меҳнатсеварлиги, шижоати билан ана шундай мураккаб вазифаларни самарали адо этиб келяпти, десак муболаға бўлмайди. Шарқнинг оқила, доно, маънавий гўзал ва мафтункор аёллари нафақат рўзғорда, балки давлат ишларида ҳам турмуш ўртоқларига елкадош бўлиб, жамиятнинг равнақига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ана шундай салоҳиятга эга бўлган аёллар оилада фарзандини тарбиялаш баробарида, жамиятда илм-маърифатнинг юксалишига, қадрият ва анъаналарнинг ривожига таъсир этадилар.

Тарихдан ҳам маълумки, бизнинг аёлларимиз жамиятда юз бераётган ҳодисаларга доимо сергаклик билан қараган, ҳеч бир жараённи шунчаки томошабин бўлиб кузатмаган. Сароймулкхонимнинг буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга улкан бунёдкорлик ишларида ўзининг доно маслаҳатлари билан руҳий-маънавий қувват бериб турганлиги ҳам бизга сир эмас. Демак, аёл оила ва жамиятнинг маънавий раҳнамоси, миллат тарбиячиси бўлиб, у меҳр-муҳаббати, бағрикенглиги билан жамиятдаги мувозанатни, адолат муҳитини сақлаб туради.

— Аёл қачон ўзини бахтли ҳис этади? Албатта, эл-юрти ва оиласи тинч, фаровон, фарзандларидан кўнгли тўқ бўлса, жамиятда муносиб ўрин, қадр топса. Биз фахр билан айта оламизки, мустақил Ватанимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларга юксак муносабат қарор топди. Аёллар бахти - ҳаммамизнинг яъни, халқимизнинг бахти, иқболига айланди.

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда миллий мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб хотин-қизларга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ҳукуматимиз томонидан аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор муҳим қарорлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалик оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилган Давлат дастури тўғрисида"ги, "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари, 1998 йилни "Оила йили", 1999 йилни "Аёллар йили", 2000 йилни "Соғлом авлод йили", 2001 йилни "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши аёлларимизга ҳар томонлама муносиб шароит яратиб бериш йўлида олиб борилаётган ишларни ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан янада кучайтирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши, шунингдек, сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилганлиги ҳам аёлларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 2 мартдаги "Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса аёлларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳасидаги масалаларни ҳал қилишга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини оширишга кенг жалб этиш учун имкониятлар очиб берди. Мазкур Фармонга биноан Бош вазир ўринбосари лавозими жорий этилиб, унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалалар юкланди, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликларида ҳокимларнинг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари вазифалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарининг тегишли лавозими жорий этилди.

— Аёлларга бўлаётган эътибор уларнинг саъй-ҳаракатига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда, жамиятимизнинг янада равнақ топишига ҳам кафолатдир. Бундан кўриниб турибдики, жамиятда илғор фикрли, маънавий камолот чўққисига эришган аёллар қанча кўп бўлса миллатнинг салоҳияти ҳам шунчалик юксалаверади. Шунинг учун, аввало, аёллар маънавий камолотини таъминлаш орқали унинг замирида ёшлар тарбияси пойдеворини яратиш бугунги давр талабига айланиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демоктарик партиясининг мақсад ва вазифалари қай тарзда акс этмоқда?

— Янгиланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Дастурида биз фахрланадиган миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш белгилаб қўйилган. Партия мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида диний анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партия жамиятда оиланинг этник анъаналарини маънавий қадриятларнинг доимий таъминланишининг буюк манбаси сифатида ҳисоблайди. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдам, болалар ҳақида қайғуриш каби анъаналар ҳамма вақт оиланинг асосий принциплари бўлиб келган. Шу билан бирга партия оила қадриятларини мустаҳкамлаш даврида, атрофимиздаги доимий ўзгариб турувчи олам талабларини эътиборга олиш лозим деб ҳисоблайди.

ЎзМТДПнинг дастурий вазифаларидан, келиб чиқиб, партиянинг фаол аёллари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан 2008 йил 18 декабрда партия ҳузурида "Аёллар қаноти" ҳаракати ташкил этилди. "Аёллар қаноти" партиянинг барча бўғинларида тузилган бўлиб, маҳаллий кенгашларнинг раис ўринбосарларидан бири ушбу ҳаракатнинг етакчиси ҳам ҳисобланади. Бугунги кунда "Аёллар қаноти"нинг иш режаси тузилган ва ушбу режа асосида фаолият юритмоқда.

"Аёллар қаноти" жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлаш, аёлларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фидойи, юксак салоҳиятли, янгиликларга интилувчан, билимдон, ўз касб-корининг устаси бўлган хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги муҳим лавозимларни эгаллаши учун шароитлар яратиш, ҳуқуқий, ижтимоий манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг фаолиятига халақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриш, жамиятда соғлом турмуш-тарзини шакллантириш борасида аҳоли ўртасида тарбиявий ва тушунтириш ишларини олиб бориш, хотин-қизлар ўртасида ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, аёлларни замонавий билим ва тафаккур талаб этадиган мутахассисликларни эгаллашлари йўлида рағбатлантириш, иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашнинг давлат ва нодавлат тизимларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш доирасида фаолият юритади.

ЎзМТДП "Аёллар қаноти"нинг сафи бугунги кунда партия аъзоларининг 52,7 фоизини ташкил этади. Улардан 37 фоизини зиёлилар, 12 фоизини тадбиркорлар, 30 фоизини турли соҳа эгалари ва 20 фоизини партиядан олий вакиллик органига сайланган аёллар қамраб олади. Биз ана шу салоҳиятни юқори поғонага кўтариш борасида аниқ режа ва дастурга асосланган саъй-ҳаракатларни олиб боряпмиз.

— "Аёллар қаноти" томонидан бажарилаётган амалий ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— ЎзМТДП нинг фаол аёллари ва "Аёллар қаноти" ҳаракати томонидан партия ташкил этилгандан буён биргина Тошкент шаҳрининг ўзида "Соғлом оила-соғлом жамият мезони", "Ўзбекистон Конституцияси – ҳуқуқий демократик давлат пойдевори", "Маънавиятнинг юксалиши ва жамиятнинг янгиланишида ижтимоий-сиёсий институтларнинг роли", "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч", "Оила қонунчилигининг ҳаётга татбиқ қилиниши ва уни такомиллаштириш масалалари" каби мавзуларда қатор тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда асосий эътибор хотин-қизларда миллий ғурур, ватанга садоқат, қадриятларга ҳурмат туйғусини уйғотиш, уларнинг ижтимоий - сиёсий фаоллигини ошириш, ақлзаковатини улуғвор ва эзгу ишларга йўналтириш, шунингдек, келажакда оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишга қаратилди.

Мазкур тадбирлардан ташқари сафимиздаги аёлларни мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан янада кенгроқ воқиф қилиш, юксак салоҳиятли, изланувчан, билимдон хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида турли ўқувлар, семинар-тренинглар ва кичик форумлар ўтказиб боряпмиз.

Фаолиятимизни янада кенгайтириш ва шу орқали республикамизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида "Аёллар қаноти" қошида "Олима аёллар" клубининг тузилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу клубга турли соҳадаги фан доктори, фан номзоди ва қолаверса илм-фан йўлида изланишлар олиб бораётган олима-тадқиқотчи аёллар аъзо бўлишган. "Олима аёллар" клубининг барча вилоятларда ҳам фаолиятини йўлга қўйиш ишларини бошлаб юборганмиз. Мақсадимиз республикамизнинг барча ҳудудларидаги олималарни, зиёлиларни сафимизга жалб қилиб, партия Дастурини аъзоларимиз, ҳайрихоҳларимиз ва кенг аҳоли қатламига сингдиришда улардан самарали фойдаланишдир. Шу билан бирга партия фаолиятини илмий ёндашган ҳолда ташкил қилишимизда, олиб борилаётган ишларимизнинг самарасини баҳолашда, кўзланган мақсадга эришиш учун таҳлилий ёндашувлар бўлишида ушбу олималарнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Партиянинг аёллар сиёсатини амалга ошириш бўйича ишларини мувофиқлаштириш мақсадида Марказий Кенгаш Ижроия девонида Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими ташкил қилинган. Мазкур бўлим партиямизнинг хотин-қизлар масалалари билан олиб бораётган ишларини янада жонлантирди. Бўлим томонидан партиянинг жойларда ўтказилаётган тадбирлари, партия сафига аъзолик масалалари умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва кейинги фаолиятимизни ташкил қилиш учун йўналишлар белгиланади.

Бугунги кунда партия аъзоларини сифат жиҳатдан янгилаш ва кўпайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун жойлардаги партия ташкилотларимизга тегишли топшириқлар берганмиз ва унинг натижалари бўйича дастлабки ҳисоботларни ҳам оляпмиз. Мақсадимиз хотин-қизларда етакчилик фазилатларини аниқлаш ва ривожлантириш, ёш қизларни миллий анъаналарга асосланган оилавий ҳаётга, баркамол оналикка тайёрлаш, хотин-қизларларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш, маънавиятини юксалтиришдир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча аёллармизни яқинлашиб келаётган 8 март — Хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этаман. Уларга соғлик-омонлик, рўзғорларига қут-барака, дастурхонларига тўкинлик, хонадонларига осойишталик тилайман.

ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ишонч ва масъулият

бу депутат билан сайловчиларнинг юзма-юз мулоқотларида янада яққолроқ намоён бўлмоқда

Жамиятимизнинг барча соҳаларида демократлаштириш жараёни изчил кетаётган, пировард мақсадимиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида депутатлар олдида ҳам бир – биридан масъулиятли вазифалар турибди. Содда қилиб айтганда, олис қишлоқ, туман, шаҳар ёки вилоят бўладими, бугунги ҳаётимизнинг, жамиятимизнинг юкини елкасида кўтараётган инсонларнинг манфаатларини ҳимоялаш депутатларнинг нафақат вазифаси, балки бурчи ҳамдир.

Сарвар ХУРРАМОВ,
Дилноза ҲАЙИТОВА

Ўтган ҳафта давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан жойларда бўлиб ўтган учрашувларида ушбу мезон ўзининг амалий ифодасини топди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ахтам Турсунов Тойлоқ ва Ургут туманларида ўтказган учрашувларида сайловчиларга айни пайтда муҳокама қилинаётган янги таҳрирдаги қонун лойиҳалари, амалиётга жорий этилган қонунларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун, шунингдек, "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, одам савдосига қарши курашиш, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш санкциясини судларга ўтказилиши каби сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида атрофлича тушунтириш берди. Учрашувлар савол-жавоблар, ўзаро мулоқотларга бой бўлди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарованинг Жиззах вилоятининг Жиззах, Фориш, Зомин туманлари меҳнаткашлари, касб-ҳунар коллежи талабалари, МФЙ фаоллари иштирокида ўтказган учрашувларида асосий эътибор глобаллашув жараёни, одам савдосига қарши кураш, ташқи меҳнат миграцияси масалаларига қаратилди.

22-Хартум сайлов округидан сайланган депутат Самидилло Маҳмудовнинг Андижон вилоят ҳокимлигида, Саноат касб-ҳунар ҳамда Педогогика, Иқтисодиёт коллежларида ҚФЙ раислари, ННТ раҳбарлари, ўқитувчи ва талабалар иштирокидаги учрашувларида таълим соҳасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида сўз борди.

Шунингдек, депутат томонидан тумандаги Резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш хусусий корхонаси жамоаси билан семинар ўтказилиб, унда туман прокуратураси, Савдо-саноат палатаси туман бўлими, туман Давлат солиқ инспекцияси вакиллари иштирок этдилар. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган тадбиркорлик субъектлари учун кредит олиш тартиби ва уни расмийлаштириш, иқтисодиётнинг реал секторига олиб кирилган хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзлари ва солиқ қонунларига киритилган ўзгартишлар каби масалалар ҳақида етарли маълумот олдилар.

Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Зоҳидулло Мунавваров Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг бир неча ҳудудларида, жумладан, Шаханд агро-иқтисодиёт коллежи талабалари ва Сайрам ҚФЙ аҳолиси билан учрашув ўтказди. Иштирокчиларга ўтган йиллар мобайнида Қонунчилик палатасида кўплаб қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилганлиги тўғрисида тушунтириш берди.

Депутат "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш борасида Қонунчилик палатаси томонидан олиб борилаётган ишлар, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишларга батафсил тўхталди.

Маълумки, Қўшкўпир нафақат Хоразм вилоятининг, балки республикамизнинг ҳам энг чекка туманларидан бири ҳисобланади. Туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бир қатор ютуқларга эришилаётган бўлсада, лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу масалалар депутат Умид Исмоилов билан ўтган учрашувда мулоқот мавзусига айланди.

Учрашувлар давомида мамлакатимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури тўғрисида, солиқ тизимига киритилган ўзгартишлар, ер ва мулк солиғини тўлаш тартиби ҳақидаги саволларга депутат солиқ тизимига киритилган янги ўзгартишларга асосланиб тўла тушунтиришлар берди.

77-Паркент сайлов округидан сайланган депутат Шарифа Салимова томонидан Паркент шаҳри, Сўқоқ, Заркент, Намданак ва Бўстон ҚФЙда бўлиб ўтган учрашувлар давомида қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш масалалари хусусида очиқ мулоқот ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олимжон Ўсаровнинг пойтахтимизнинг Дамариқ, Туркистон, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Сулаймонов, Юнус Ражабий, Тепа ва Конституция МФЙ фаоллари иштирокида ўтказилган учрашувларида "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунлар қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилиши хусусида батафсил тушунтиришлар берди.

99-Гурлан сайлов округидан сайланган депутат Ражаббой Рўзметов Янгибозор тумани пахта тозалаш заводида, "Пахтабанк" туман бўлими, тумандаги мактаб, коллеж, маҳаллаларда учрашувлар ўтказди. Ушбу учрашувларда сайловчилар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар билан чуқур таништирилиб, қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини юксалтириш, соғлиқни сақлаш, ёшларга бўш иш ўринларини яратиш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва шу соҳалар тараққиёти учун қабул қилинаётган барча ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишларга кенг тўхталиб ўтди.

— Халқимиз ерга уруғ ташлар экан, уни умид билан парвариш қилади. Айтингчи, нега кўчат экувчи — боғбон, уруғ экувчи — деҳқон, сувни зар, сувчини эса заргар деймиз? Сабаби оддий, халқимизнинг уларга бўлган ҳурмати, эҳтироми юксак,- дейди Пешкў туманидаги сайловчилари билан учрашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иззатулло Толибов. — Мазкур йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб аталишини ҳам ана шу юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси дейишимиз мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, қишлоқ ҳаёти турмуш даражаси тобора яхшиланиб бормоқда. Қонунчилик палатаси томонидан ҳам ушбу соҳага доир қонунлар такомиллаштирилмоқда.

6-Саноат сайлов округидан сайланган депутат Сарвар Абдуллаевнинг Тарновбоши, Янгиобод, Авиасозлар маҳаллалари, 30-сон оилавий поликлиника ва 327-умумтаълим мактабларида ўтган учрашувлари самарали кечди.

Уларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар нуқтаи-назаридан ўз қарашларини баён қилди. Жумладан, 2008 йилнинг иқтисодий жиҳатдан мураккаб келганига қарамай, мамлакатимизда ўсиш суръатлари кузатилгани ва жаҳонда юз бераётган молиявий инқирознинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича тўхталди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Акрам Жумаев Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларида ўз сайловчилари билан учрашди. Хусусан, Узун туман халқ таълими бўлимида бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизда таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида тўхталди.

Айтиш керакки, депутатлар томонидан ўтказилган учрашувларда тегишли туман ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, шунингдек халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва яна бир қатор ташкилотлар масъул ходимларининг иштироки таъминланди. Натижада сайловчилар томонидан кўтарилган муаммоларнинг айримлари жойида ҳал этилди ва улар бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЎзМТДП ХРОНИКАСИ

Ҳаётимиз гули, жамиятимиз таянчи

бўлган аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ЎзМТДП алоҳида эътибор қаратмоқда

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Аёлларни эъзозлаш, уларга юксак эҳтиром кўрсатиш бизнинг азалий қадриятларимиздан ҳисобланади. Кўкламнинг энг гўзал байрамларидан бири 8 март — Хотин-қизлар кунида оналаримиз, опа-сингилларимизга эътиборимиз янада ортади.

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят ва Термиз шаҳар кенгашлари вилоят ХТБга қарашли ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорликда "Аёл борки олам мунаввар" мавзусида ўтказган маданий тадбирларини ҳам хотин-қизларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш сифатида баҳолаш мумкин.

— Баҳор бошланиши билан байрамлар бир-бирига уланиб кетади. Аёллар куни ва Наврўз айёми юртимизга ўзгача тароват олиб келади,- деди ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Ражабова. — Бугунги тадбиримизга партиямизнинг фаоллари ва раҳбар аёлларидан ташқари кекса онахонлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларни ҳам таклиф қилдик.

Уларнинг кўнглини кўтариш мақсадида туман маданият уйи ҳаваскорлари томонидан ташкил қилинган концерт дастури барчага байрамона кайфият улашди. Иштирокчиларга ЎзМТДП шаҳар кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси билан вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида "Оила мустаҳкамлиги: ёш авлод тарбиясида аёллар ҳамда маҳалланинг ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, ҳуқуқшунос, олима аёллар, фаол хотин-қизлар ва талабалар иштирок этган ушбу тадбирда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оиланинг жамиятдаги ўрнини, ижтимоий ҳимоясини ошириш ва аёлларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда бу соҳада яратилган ҳуқуқий асосларнинг мазмун-моҳияти юзасидан мунозара бўлиб ўтди.

— Вилоятимизда партиямиз аъзоларининг асосий қисмини аёллар ташкил қилади, - деди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси М.Маҳкамова. — Фаолларимиз билан биргаликда туманларда касаначиликни ривожлантиришга хотин-қизларимизни жалб қиляпмиз. Тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган аёлларимизга имтиёзли кредитлар олишга ёрдам беряпмиз. Мақсадимиз ёш оилаларни, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва бу борада мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишдан иборат.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш борасида партиянинг жойлардаги ташкилотлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

* * *

Ана шундай тадбирларимиздан бири Қарши Ахборот технологиялари коллежида вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, **ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши**, "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда 8-март Хотин-қизлар байрами муносабати билан ёш спортчи қизлар ўртасида теннис мусобақаси бўлиб ўтди.

— Қизларимиз бўш вақтларида спорт билан мунтазам шуғулланаётганларини кўриб, ҳавасимиз келади. Интилувчан, соғлом фикрли, спортсевар ёшларимизни ўз қобилиятларини намоён қилишида қўмаклашиш, йўл-йўриқ кўрсатиш доимий мақсад-вазифаларимизга айланган, - деди ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Кесимов. — Ёшларимиз етук спортчилар бўлиб улғайишларида барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим. Шу боис ушбу тадбирга вилоятдаги барча спортчи қизларимизни ҳам жалб қилдик.

Узоқ давом этган теннис мусобақасида биринчи ўрин Ў.Раҳмонова, иккинчи ўрин А.Сулаймонова, учинчи ўрин Д.Юсуповаларга насиб этди. Ғолиблар ва уларнинг мураббийлари ЎзМТДП шаҳар кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят ва Самарқанд шаҳар кенгашлари томонидан "Фаол аёллар жамиятнинг етакчи кучи" мавзусида Мирсаид Барака маҳалласида ўтказилган тадбирда вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол аёллар, спорт, санъат, адабиёт йўналишларида турли даражадаги мукофот ва ютуқларни қўлга киритган хотин-қизлар таклиф қилинди. Байрам кечасида уларга партия томонидан байрам совғалари топширилди.

Тадбирда ЎзМТДП Жомбой туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари О.Ҳамзаев, ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Л.Мамасолиев, ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ў.Қаршиев сўзга чиқиб, иштирокчиларни байрам билан самимий қутлади.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда ФЖЎИ Жиззах вилоят минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамкорлигида "Аёл ва ҳуқуқ" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Бугунги кунда аёлларимиз ҳокимиятнинг барча тармоқларида тенг ҳуқуқли ва фаол иштирок этмоқда. Бунга уларнинг қонунчилик, ижро ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ тизимидаги самарали фаолиятини мисол қилиш мумкин.

— Вилоятимизда ўз салоҳияти билан кўзга кўринган, эл ҳурматини қозонган турли касб эгалари бўлган раҳбар, тадбиркор, ўқитувчи, олима аёлларимизнинг аксарияти ЎзМТДП фаолларидир, - деди сўзга чиққан партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ғ.Қодиров. - Улар сафини янада кенгайтириш мақсадида чекка-чекка туман, қишлоқлардаги аёллар даврасида бўлиб, уларнинг муаммолари, турмуш тарзларини ўрганяпмиз, хотин-қизларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини янада чуқурроқ англашлари ва сиёсий билимларини мустаҳкамлашлари учун семинар-тренинглар, очиқ мулоқотлар ташкил қиляпмиз. Ўтказилаётган бу каби тадбирлар фаолиятимизда ўз самарасини беряпти.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан талаба-қизлар ўртасида "Юксак маънавиятга интиламиз" мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Унда иштирокчилар бешта шарт бўйича беллашдилар. Маънавият соҳасидаги вазифалар, буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақидаги саҳна кўринишлари ва савол-жавобларда иштирокчиларнинг билими ва маънавий дунёси янада яққолроқ намоён бўлди.

— Ўз миллатининг маданияти, анъаналари, тарихи ва ўзлигини билмаган инсон юксак маънавиятли бўла олмайди, - деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Н.Шокиров. — Бугунги глобаллашув жараёнлари кескинлашаётган бир даврда ёшларимизни ҳақиқий маънавият тарғиботчилари қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби асосий дастур ва қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

СЕМИНАР

Эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга амалий ҳисса қўшишни ёшларнинг бевосита иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Бу каби одил мақсадларга эришишда мустақил давлатимиз ёшларга суяниши ва таяниши шубҳасиз.

Ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш

ўтказилган семинарнинг асосий мавзусига айланди

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ёшлар юрт истиқболини белгилар экан, бунда улар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар кутилаётган натижанинг жон томирини, ўзагини ташкил этувчи кучдир. Мустақил фикрли, қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада ошириш партиямиз ёшларга доир сиёсатининг асосини ташкил этади. Мақсадларнинг амалий ижросини таъминлаш эса ўз навбатида партия ёшлар билан ишлаш бўғинлари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди. Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ўтказилган "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларга оид сиёсатининг устувор йўналишлари" мавзусидаги илмий-амалий семинарда ҳам ушбу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Семинарда вилоят партия ташкилотларининг ёшлар етакчилари, ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси ходимлари ва ФЖЎИ вакиллари иштирок этишди. Ўтказилган мазкур семинар ҳудудий партия ташкилотларининг ёшлар етакчилари малакасини ошириш, ёш кадрлар заҳирасини шакллантириш, партия девони ходимларига ёшларга оид ишларни олиб боришнинг назарий ва амалий услубларини ўқитиш мақсадида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир. Тадбирда иштирок этган таниқли фан ва таълим соҳаси арбоблари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, етакчи жамоат ташкилотлари вакилларининг маъруза ва тақдимотларида бу масалалар ўзининг яққол ифодасини топди. Кунлик ўқув-семинар давомида мамлакатимизда жамиятимизнинг таянчи ва ажралмас қисми бўлган ёшларга берилаётган эътибор, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан амалга оширилаётган ва қилиниши керак бўлган вазифалар ҳақида сўз борди.

Иштирокчилар семинар давомида сиёсий партия ёшлар билан ишлаш бўлимларининг фаолиятини ташкил этиш ва оммавийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшлар иштироки, улар фаоллигини оширишда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги мавзуларида ўзаро фикрлар алмашдилар.

- Партиямиз ёшларни ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўяр экан, бунда улар салоҳиятини Ватанга хизмат қилишга йўналтиришни, ижтимоий ҳуқуқлари ва ижодий имкониятларини амалга ошириш орқали улар орасида учраётган долзарб муаммоларни ўрганиш ва муҳокама қилишни мақсад қилиб белгилаган. Ўйлайманки, етакчиларимизнинг бу семинардаги иштироки мана шу масалалар ечимини топишда амалий қийматига эга,- дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси Ёшлар масалалари бўлими бошлиғи Маъруф Норқулов. - Семинар фаол етакчиларимизнинг сиёсий қарашларини янада ошириш ва жойлардаги фаолиятида татбиқ этишда муҳим ўринга эга бўлди.

- Ҳудудий партия ташкилотлари ёшлар етакчилари иштирокидаги мазкур ўқув семинар айнан етакчилик салоҳиятимизни янада оширишга, ўзаро фикр алмашиб, камчиликларимизни таҳлил этиш учун имкон яратди,- дейди биз билан суҳбатда Наманган вилоят «Ёшлар қаноти» етакчиси Нодирбек Қодиров.- Етакчининг масъуллик ҳисси, ёшлар орасига кириб бориш усули ва йўналишларини кенгайтириш, тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш ва асосий эътиборни қишлоқ ёшлари ҳаётига қаратиш борасида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқдик.

Семинар давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, партиянинг "Ёшлар қаноти" Низоми, Ҳаракат дастури лойиҳалари юзасидан таклифлар киритди. Шунингдек, "Ёшлар қаноти"нинг таъсис Конференцияларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тақдимотлар уюштирилди. Интерфаол усулдаги машғулотлар эса семинар ишининг самарадорлигини оширди.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Фермерлик

қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг етакчи кучи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда Тошкент давлат Аграр университети билан ҳамкорликда "Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ихтиёридаги ер участкаларини мақбуллаштириш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа мутахассислари, тегишли вазирлик ва идоралар, йирик фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этишди. Қатнашчилар қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Айтиш керакки, 2004 йилда қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўтган давр ичида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатди. Конференцияда айни пайтда мазкур Қонунга киритилаётган ўзгартишлар фермерлар фаолиятининг барча қирраларини қамраб олишга қаратилганлиги таъкидланди. Қонунни янада мукаммаллаштириш юзасидан билдирилган мутахассислар тавсиялари ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Жумладан, фермер хўжалиги раиси ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатларини шартномавий асосда юритилиши, фермер хўжалиги аъзолари ёши ва ҳуқуқларини белгиловчи қўшимча нормаларни киритилиши қабилардир.

- Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисдаги маърузасида "Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаб, даромадини оширишнинг ишончли асосига айланмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда", дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида фермерликни ривожлантириш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди- деди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Асатилла Абдураҳимов.** - Фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг етакчи, ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Фермер хўжаликларини ривожланиш босқичлари бу борада қонунчиликни ҳам янада такомиллаштириш заруриятини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан конференция иштирокчилари соҳанинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга доир бир қатор аниқ таклифлар билдиришди.

Шунингдек, илмий-амалий конференцияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш масалаларига доир бир қанча маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Сарвар ХУРРАМОВ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ПАРЛАМЕНТ

Фракциялар: қонун ижодкорлиги ва партия мақсадлари

уларнинг фаолиятида акс этмоқда

Ҳамдам СОБИРОВ,
тадқиқотчи

Сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги жараёнида ташаббускорлик кўрсатиб, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ва қонунлар ижросининг самарадорлигини оширишда муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Маълумки, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияларини ташкил этиш учун 2002 йил қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 23-моддасида сиёсий партияларнинг фракциялари фаолиятини белгилаб берувчи шундай норма мавжуд: "Фракция сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир".

Президент Ислом Каримов 2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида бир палатали парламент шароитида партия фракцияларининг фаолиятини таҳлил қилар экан "Ўтган чақириқ парламентдаги партия фракциялари номигагина фаолият кўрсатиб, улардан бирортаси муайян бир қонун лойиҳасини таклиф қилиб, уни сессия мажлиси тасдиқидан ўтказиш, ҳаётга татбиқ қилиш бўйича аниқ ташаббус билан чиққанини ёки қонунларни ишлаб чиқиб, муҳокамалардан ўтказишда жонкуярлик кўрсатиб, қаттиқ кураш олиб борганини эслай олмайман", деб таъкидлаб ўтган эди.

> Шунингдек, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда сиёсий партияларнинг парламентдаги эгаллаган ўрнига қараб парламент фракцияларининг кўпчилиги ва мухолифати юзага келди.

Икки палатали парламент фаолият кўрсатаётган ўтган давр мобайнида фракцияларнинг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияларининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида ўзаро баҳс-мунозаралар, фракцияларо рақобатнинг кучайганлигини, партия дастурларини тарғиб қилишда фаоллиги ошганлигини ва қонун лойиҳалари бўйича аниқ таклифлар илгари сурилиб, жамият тараққиёти учун мукаммал қонунларни қабул қилишда ташаббускорлик кўрсатаётганларини қайд этиш мумкин.

Хусусан, парламент фракциялари томонидан Солиқ кодексининг янги таҳририни, "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги, "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси" каби қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнларида қизғин баҳс-мунозаралар ва амалий таклифлар билдирилди.

Шунингдек, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда сиёсий партияларнинг парламентдаги эгаллаган ўрнига қараб парламент фракцияларининг кўпчилиги ва мухолифати юзага келди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг сайловчи манфаатини бевосита фракциялар орқали қонунчилик даражасига кўтариш ва қонун ижодкорлигида ташаббускорлик кўрсатишга ундайди.

2008 йил якунларини таҳлил қилиб кўрганда, парламент фракциялари фаолиятининг асосий йўналишлари қонун ижодкорлиги, хусусан, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қонунларнинг амалда бажарилиши юзасидан парламент қўмиталарининг назорат-таҳлил ишларида фаол қатнашганларини кузатиш мумкин. Натижада Қонунчилик палатаси томонидан 69 та қонун қабул қилиниб, 68 таси Олий Мажлис Сенатига юборилган бўлса, шундан 60 таси маъқулланди. Булардан 10 таси янги қонунлар, 34 таси аввал қабул қилинган қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлардир. Бундан ташқари 21 та халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Жумладан, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялар аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда 5 та янги қонун лойиҳаси тайёрланди ва қабул қилинди. Қабул қилинган қонунларнинг 12 таси бевосита иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, уларга бўлган зарурат соҳадаги институционал тизимли ўзгаришларни ва банк-молия тизимини янада ривожлантиришни таъминлашга хизмат қила бошлади.

> Хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш бўйича ҳамкорлик тизимида Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтириш масалалари юзасидан ўтказилган Олий Мажлис қуйи палатаси қўмиталарининг мажлисларида ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фракциялари фаол иштирок этдилар.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг фракциялари мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлашда давом эттирилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳам фаол қатнашдилар. Хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш бўйича ҳамкорлик тизимида Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтириш масалалари юзасидан ўтказилган Олий Мажлис қуйи палатаси қўмиталарининг мажлисларида ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фракциялари фаол иштирок этдилар.

Ҳозирги пайтда сиёсий партияларнинг парламент фракцияларида қонун ижодкорлиги жараёнларидаги фаол иштирокини таъминлашда партиянинг барча бўғинларидаги муштараклигига эришиш энг зарур ва муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Чунки, партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги вакиллари, яъни депутатлик гуруҳлари аъзолари ўз ҳудуди доирасидаги талаб ва истакларни доимий ўрганиб бориши ва қонунчиликка тегишли таклифларни партиянинг Марказий Кенгашига етказиши, шу орқали фракция фаолиятига қўшилмоғи лозим. Бундан сиёсий партиялар фракцияларининг роли вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида билдирилган таклифларни ва фуқаролар хоҳиш-иродаларини ўрганиб, ўз навбатида таклифларни парламент палаталарининг кенг доирадаги муҳокамаларидан ўтказиб, қонунчилик жараёнларида ундан фойдаланишга қаратилган вазифаларни бажаришда намоён бўлади.

Шу билан бирга парламентда ўз фракцияларига эга бўлган партиялар бу натижалар билан кифояланиб қолмасдан, жорий йилда бўладиган сайловларга жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Айниқса, икки партия ЎзФМДП ва ЎзМТДП (2008 йил июнда) ва уларнинг парламентдаги фракциялари (2008 йил августда) ягона сиёсий кучга бирлашгани нафақат уларнинг ижтимоий базасини, балки парламентдаги фракциясини ҳам кучайтирди. Бу ҳолат парламентда соғлом рақобатнинг ривожланишига ва жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишини кучайтиради. Бу эса сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни парламентдаги фракция томонидан қонун ижодкорлиги жараёнларидан хабардор этиб, халқ олдида ҳисобот бериб туришларини тақозо этади.

Сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида жамоатчилик ўртасида тарғибот ва ташвиқот ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликларини самарали йўлга қўйиб, ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзларининг фикрларини партиянинг матбуот нашрларида, даврий журналларда, газеталарда ва телевидениеда ахборот шаклида эмас, балки таҳлилий тарзда билдириб боришлари қонунлар ижросининг самарадорлигига ва партиянинг сиёсий майдондаги нуфузини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, сиёсий партияларнинг фракциялари профессионал парламентда ўтган 4 йиллик фаолияти мобайнида қонун лойиҳалари устида ишлаш ва парламентнинг бошқа йўналишларидаги фаолиятларини самарали ташкил этиш, партияларнинг мақсадларини қонунларда акс эттириш, партия сайловчиларининг ишончини қозониш, шунингдек, муҳими жамият манфаатларига мос ҳар томонлама такомиллаштирилган қонун лойиҳаларини таклиф этиши партияларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаоллик ва ташаббускорликларини ошиб бораётганлигидан далолат беради.

ХИЗМАТ

Тежаган терга тушмас

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Хонадонларимиз чорағонлиги, телевизор ва компьютердан тортиб барча маиший техникаларнинг ишлаши учун албатта электр энергияси керак. Каттароқ миқёсда қарайдиган бўлсак, ишлаб чиқариш тармоғи, катта-кичик корхона, завод ёки фабрика, ижтимоий объектларнинг атиги бир неча соат электр энергиясидан узилиб қолиши иқтисодиётимизга жиддий зарар келтиради.

Шунинг учун мамлакатимизда электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва уни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр энергияси ресурсларидан қанчалик тежамли фойдаланишимизга боғлиқ.

Айниқса, бутун дунёда молиявий инқироз кузатилаётган бир пайтда электр энергиясининг узлуксиз таъминоти ҳамда унинг нархи ошиб кетмаслигига эришиш долзарб аҳамият касб этади. Мамлакатимизда халқаро миқёсдаги бу муаммонинг олдини олишга киришилганига анча бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йилнинг ноябрь ойидаёқ 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик механизми жорий этилмоқда.

Мазкур механизмда кўзда тутилган чораларнинг амалий самараси эса тизимдаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш, мавжуд электр тармоқларини замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш орқали янада ривожлантириш мисолида яққол намоён бўлаётир.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари энергетика тизимини янада тараққий эттиришда ҳам муҳим омил бўлаётир. Хусусан, кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган кўплаб лойиҳаларда асосий эътибор тежамкор технологияларни кенг жорий этишга қаратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдосаноат палатаси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» ихтисослаштирилган бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Power Uzbekiston» халқаро кўргазмасининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ўтган йили ана шу кўргазма ишида мамлакатимизнинг йирик корхоналари қаторида Германия, Хитой, Россия, Туркия, Беларусь ва Украина сингари давлатларнинг 50 дан ортиқ фирма ва компаниялари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Бозор инфратузилмасини ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини бугун ҳар қадамда кўриш мумкин. Тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари сони ҳамда уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ортаётгани ҳам узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир. Эндиликда электр энергияси нархининг ошиши чекланиши ҳам ушбу субъектларга маълум миқдордаги маблағни тежаш, ўз бизнесини кенгайтириш учун қўшимча имконият яратади.

Юқорида тилга олинган кўргазмада намойиш этилган тежамкор маҳсулотларнинг илк харидорлари ҳам ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар бўлгани бежиз эмас. Чунки бозор иқтисодиёти ижчам ва самарали усуллардан, замонавий технология ва камхаражат ускуналардан фойдаланишни тақозо этади.

Замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида электр энергиясини тежаш ҳар қандай корхонага катта манфаат келтиради.

"Ўзпахтасаноат" уюшмасидан маълум қилишларича, тизимдаги корхоналарнинг модернизация қилиниши ва замонавий жиҳозланиши маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш билан бирга электр энергиясини тежаш имконини ҳам бераётир. Хусусан, Бухоро вилоятидаги "Шофиркон пахта тозалаш" заводи ўтган йили модернизация қилингач, бу ерда электр сарфи 11 фоизга камайгани ҳолда сифат кўрсаткичи қарийб 20 фоиз, кунлик маҳсулот ҳажми 15 тоннага ошди.

Фарғона вилоятидаги «Хумо-Уч» ҳиссадорлик жамиятида, корхонани техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадида Ислом тараққиёти банкининг беш миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити эвазига Германия ва Хитойдан камчиқим ва тежамкор ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилган сифатли калава ип Россия, Туркия ва Украина сингари давлатларга экспорт қилинмоқда.

– Халқимизда тийиннинг қадрига етмаган сўмнинг қадрига етмайди, деган нақл бор, – дейди жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Бахтиёржон Қодиров. – Биргина электр энергиясининг тежалиши натижасида иқтисодий самарадорликнинг кескин ўсиши ушбу ҳаётий фалсафанинг амалдаги кўринишига ёрқин мисолдир. Рақамлар тили билан гапирадиган бўлсак, замонавий технологияларни олиб келиб ўрнатганимиздан сўнг 2008 йилда олдинги йилларга нисбатан электр энергияси 20 фоизга тежалди. Бир қарашда арзимаган тийинлардан тўпланадиган бу маблағ йил давомида жуда катта суммани ташкил этади.

Буни Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатаётган турли корхоналарнинг кирим-чиқим кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, янги технология жорий этилган "Хўжайли-Турон" акциядорлик жамиятида 2008 йилда 4226 тонна, шу жумладан, 610 тонна бир литрлик идишга қадоқланган ёғ ишлаб чиқарилган. Корхона 2007 йилнинг тўртинчи чорагида 429,2 минг квт. соат электр энергияси сарф қилган бўлса, 2008 йилнинг айни шу даврида бу кўрсаткич 152,5 минг квт. соатга тенг бўлди. Шу мисолнинг ўзиёқ замонавий тежамкор ускуналарга сарфланган маблағ ўзини нақадар тез қоплаши ва фойда келтиришини яққол кўрсатиб турибди.

Юртимизда нафақат йирик саноат корхоналари, балки аҳоли ўртасида ҳам электр энергиясини тежаш юзасидан олиб борилаётган тушунтириш ишлари, бу манбани етказиб берувчи ташкилотларни таркибий ўзгартириш ва соддалаштиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар натижасида тармоқда мавжуд муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Электр ва иссиқлик тармоқларида кўрсатилаётган хизматлар учун ҳақ тўлаш, бошқача айтганда, тўлов интизоми ҳозирча талаб даражасида эмаслиги кўпчиликка маълум. Бунга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда зарур ишларни амалга оширмоқда.

– "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси таркибий тузилмасининг айрим тармоқлари тизим тасарруфидан чиқарилмоқда, яъни хусусийлаштирилмоқда, – дейди Монополиядан чиқариш рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Дониёр Отамуродов. – Бозор муносабатларини жорий этиш мақсадида соҳага тадбиркорлик субъектлари жалб этилмоқда. Мисол учун, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш вазифаси "Тошшаҳарэлектртармоқлари корхонаси" очиқ акциядорлик жамиятидан хусусий оператор – "Shosh Invest group" масъулияти чекланган жамиятига ўтказилди.

Мазкур жамият ўз фаолиятини хизмат сифатини яхшилашдан бошлади. Тармоқда сабабсиз узилишлар содир бўлишига чек қўйилди. Истеъмолчилар билан шартнома тузишда ҳар бир мижознинг шароити ҳисобга олинди. Тажриба қисқа вақт ичида кутилган натижани берди, тармоқда харажатлар сезиларли даражада қисқарди. Бу билан тарифларнинг асоссиз ўсиши билан боғлиқ салбий ҳолатларга барҳам берилди. Дебиторлик қарзлар кескин қисқарди. Истеъмолчилар сони ошиб, корхона даромад олишга эришди.

Хўш, бу янгиликнинг амалдаги натижаси қандай бўлди? Хусусий операторнинг хизмат кўрсатиш тартиби истеъмолчиларга маъқул келяптими?

– Электр қуввати бўлмаса бирор ахборот ҳам олиб бўлмайди, – дейди Бектемир туманидаги «Сувсоз» даҳасида истиқомат қилувчи Мусулмон Элмуродов. – Воқеа-ҳодиса ҳақида хабар тарқатиб, унинг сабаблари хусусида мулоҳаза юритадиган оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари ана шу манбасиз фаолият кўрсата олмайди. Демак, уйимизда чироқ ўчиши нафақат шунчаки ноқулайлик яратади, балки маълум муддат атрофимизда бўлаётган воқеалардан бехабар қолишимизга ҳам сабабчи бўлади. Хусусий оператор – "Shosh Invest group" фаолият бошлагандан буён электр энергияси таъминотида узилиш бўлгани йўқ. Бундан ташқари, олдиндан ҳақ тўлаганим учун чегирма жорий қилингани маблағимизни тежаётган бўлса, тўловни исталган банк шохобчаси ва PAYNET тизими орқали амалга ошириш вақтимизни тежаяпти.

Тежаган терга тушмас, деган гап бежиз айтилмаган. Вақти ва нақди тежалганидан хурсанд юртдошларимизга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида жойлардаги электр таъминоти тизимларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган ташкилий-техник тадбирларга кенг ўрин берилгани алоҳида мамнуният бағишламоқда.

Ана шундай эзгу мақсадларнинг амалга оширилиши нафақат электр энергиясини тежаш ва унинг узлуксиз таъминотини йўлга қўйиш, айни вақтда мамлакатимизни янги, юксак марраларга олиб чиқишда, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

СЕМИНАР-МАШҒУЛОТ

Ижро иши

ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ва Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси ўзаро ҳамкорликда "Ижро иши юритишга оид қонун ҳужжатларига киритилган янги ўзгартишлар мазмун-моҳиятини мажбурий ижро жараёнига жалб қилинган ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар ва бошқа органлар ўртасида тушунтириш" мавзусида семинар-машғулоти ўтказди.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида 2009 йил 18 февралда тасдиқланган қўшма буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, ижро иши юритишга оид қонун ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар мазмун-моҳиятини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида тушунтириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда ижро ишини юритишга оид бир қатор янгиликлар киритилганлиги хусусан, 2009 йил январь ойида "Ижро ишини юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар элликдан ортиқ моддаларни қамраб олганлиги таъкидланди.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асосий қисми суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш механизмини такомиллаштиришга қаратилганлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан "қарздор" тушунчаси ва ундирувчининг ижро иши юритишда шахсан иштирок этиши тартиби, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш ва чақириш тартиби аниқлаштирилди, ижро ишини юритиш тартибга солинди, ижро этиш ҳужжатига зарур ҳужжатларни илова қилиш зарурлиги ҳамда мазкур талабни бузиш оқибатлари ҳақида қўшимча талаблар белгиланганлиги таъкидланди.

Айтиш лозимки, Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2008 йил давомида 210 млрд. 231,1 млн. сўмлик 149 минг 775 та ижро ҳужжатлари амалда таъминланган. Мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида давлат фойдасига 67 млрд. 955,8 млн. сўм ундирилиб, 52 минг 494 та ижро ҳужжатлари тўлиқ таъминланди. Шу билан бирга боқиманда ундирувлар бўйича 61 млрд. 209,2 млн. сўмлик 2813 та ижро ҳужжати амалда тўлиқ ижро қилинган.

Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси ва туман-шаҳар бўлимлари томонидан 2008 йил давомида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтиришга қаратилган жами 263 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Тадбир давомида "Ижро ишини юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши мамлакатимизда ижро ҳаракатларини амалга ошириш тартибини соддалаштиришга, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилиши, жисмоний, юридик шахслар ва давлат манфаатларини таъминлашга, шунингдек, суд ҳокимияти нуфузини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир сўнгида мазкур қонун ижросини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

**Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати**

ЖАРАЁН

ЖАРАЁН

Бирлашган ўзар...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сабаби, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳар қандай ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, унинг маънавий-руҳий дунёсини иҳоталаш айтишгагина осон юмуш. Тоғнинг салобати узоқдан билинади, деганларидек, ўтган йиллар силсиласига теран назар солинса аён бўладики, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели, яъни босқичма-босқичлик амалда ўзини тўла оқлади ва дунё иқтисодиёти ривожида мутлақо ўзига хос ва мос йўл - усул сифатида эътироф этилди.

Универсал - демократик қарашларни "экспорт" қилишга устаси фаранг давлатлар ва сиёсий уюшмалар миллий мустақилликка эришган халқларга алланечук кўз қараш билан муносабатда бўлади. Бу дегани, мурғак давлатни ўз таъсир доирасига олиш ва "демократия" ўйинлари учун тайёр объект сифатида кўришдир. Тўғрисини айтганда, гегемон давлатлар бу борада анча тажрибали: ҳийла-найранг бобида ҳам пешқадам улар. "Мақсад воситани оқлайди", деган тамойил уларнинг иш услуби саналади. Демократия, инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, диний бағрикенглик, шахс озодлиги каби некбин ғоялар ҳамма даврларда ва жамиятларда эъзозланади. Инсоният ҳали-бери бу каби улуғ тушунчалардан беҳроқ ва лазизроқ таянчларни кашф этгани йўқ. Шу боисдан ҳам афкор омма бу эзгу амаллар учун саъй-ҳаракатлар қилмоқда, интилишларининг рўёбини кўриш ва шунга эришиш йўлларини излаяпти. Аммо, юқорида номлари тилга олинган ғояларни байроқ қилиб, аслида ўз манфаат ва мавқеини кўзлаётган давлатлар сиёсий, мафкуравий марказлар бисёр. Оёқ-қўли бир-бирига чандиб ташланган одам болалари миллий-маданий ўзига хосликларини сақлаб қолиш йўлида уюшиши лозимлигини сурьати тезлашиб бораётган ҳаёт кун сайин тақозо қилмоқда.

Глобаллашув таҳдиди энг аввало сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларга таъсир этар экан, акс таъсир, яъни кураш ҳам мана шу уч бирлик асосига қурилиши лозим: глобал жараёнларга жиддий "рақиб"- маърифий жамиятдир. Бу ўринда, маърифий жамият дейилганда аввало ахлоқ назарда тутилаяпти, чунки маърифий жамиятда ҳаёси кучли одамлар, ўз-ўзидан уяладиган, андиша қиладиган одамлар ўзаро муносабатлар мезонини белгилайди. Аслида миллатга хос барча фазилатларимиз мана шундай шахслар сиймосида гавдаланади. Улар манфаати ва ҳимояси устувор жамиятгина глобаллашув жараёнларини талофатларсиз ўтказади.

"Юксак маънавият- енгилмас куч" асарида таъкидланганидек фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётган бир замонда ҳаёт-мамот масалаларида четга оғиш, хотиржамликка берилиш, шубҳасиз миллат учун залолат, марҳумиятлар эшигини очади.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, мажбурлаш, куч ишлатиш йўли билан сингдирилган, тарқатилган, жорий этилган миллий маданиятлар, диний анъана ва қадриятлар аксарият ҳолларда ўша маданияту ҳаётга нисбатан кучли нафрат уйғотган, оммавий норозиликларга, исёну урушларга сабаб бўлган ва пировард натижада мағлуб миллат озодликка эришган.

Миллатнинг маданий қиёфаси глобаллашув жараёнларини тадқиқ қилишда алоҳида ўринга эга. Глобаллашув жараёнлари ҳосиласи ўлароқ пайдо бўлган муаммолардан бири ҳам маданий ҳаёт масаласидир. Миллат мавжуд экан, унинг маданий ҳаёти, тарихий хотираси, турмуш тарзи тарихий тараққиёт натижасида ривожланиб, такомиллашиб ва бойиб боради. Ушбу мутараққий сифатлар негизида шубҳасиз тил, сўзлашув маданияти ётади. Миллатнинг мавжудлиги тил билан белгиланар экан, тилини йўқотмасдан бойитиб келаётган халқларнинг тарихий хотираси, маданияти, урф-одатлари, миллий онги ва турмуш тарзи ҳамиша дахлсиз бўлиб келган. Шу маънода, халқнинг тарихи нечоғлик қадимийлигини, маданияти даражасини, миллий характерини ҳам тил орқали билиб олиш мумкин.

> Миллатнинг маданий қиёфаси глобаллашув жараёнларини тадқиқ қилишда алоҳида ўринга эга. Глобаллашув жараёнлари ҳосиласи ўлароқ пайдо бўлган муаммолардан бири ҳам маданий ҳаёт масаласидир. Миллат мавжуд экан, унинг маданий ҳаёти, тарихий хотираси, турмуш тарзи тарихий тараққиёт натижасида ривожланиб, такомиллашиб ва бойиб боради.

Истиқлолнинг дастлабки даврларида айрим юртдошларимиз томонидан тарихий шахсларни - у шоир ёки салтанат соҳиби бўладими, саркарда, олим, чолғучими барчасини аввало диний арбоб сифатида талқин ва тарғиб қилиш авж олди. Тўғри, аждодларимиз муқаддас динимиз ривожи йўлида улкан ишлар қилишган ва биз бундан чексиз фахр-ифтихор туямиз. Аммо, салтанат туғини баланд кўтарган, шеърият мулкида султон бўлган, тиб, ҳисоб илмида кашфиёт қилган, коинот сирларини эгаллаган буюк боболаримизни бугунги ёш авлодга қори, мулла, имом сифатида кўрсатиш тарихий ҳақиқатга мутлақо зиддир. Шукрки, бундай амалиётга чек қўйилди. Диний қадрият ва маросимлар тикланиб, диний савод олишга рағбат кучайган бир даврда зўрма-зўраки, юзаки амаллар ҳам бўй кўрсатди. Кўриб-кузатган бир воқеа ёдимга тушади: қариндошимизнинг тўйи баҳона қишлоққа бордим. Ёш-ёш болалар ёппасига оқ қалпоқ кийиб олган. Биз томонларда бу хил қалпоқ кийиш урф эмаслигидан қизиқишим ортди. Катталарнинг айтишича, бу йигитчалар қишлоғимиздаги муллага шогирд тушган экан. "Калима ўрганиб, намозни билса яхши-да", дейишди улар мамнун қиёфада ва ўзларининг оми эканликларидан афсуланишди... Орадан 2-3 йил ўтди. Яна қишлоқдаман. Энди оқ қалпоқли болалар онда-сонда кўринмаса йўқ. Яна сабабини суриштирдим. "Бе",- деди оқсоқоллардан бири.- Бу така улоқлардан мулла чиқмас экан. Ҳавас экан, улим. Тум-тарақай бўп кетди. Ёдлаганлари эсида ҳам йўғ-ов!

Хуллас, мулла бўлиш "мода" эмас экан. Хайриятки бу каби калтабинлик ва жоҳилликларга ўз вақтида чек қўйилди. Ёки бўлмаса, 90-йиллар бошида айрим юртдошларимиз тилида пайдо бўлиб барҳам топган "эсперанто" деган сохта, бузғунчи лаҳжалар ўз-ўзидан тарқалди, деб ким айта олади?!

Дарҳақиқат, жамият ҳам бир тирик вужуд каби ўз-ўзини чиниқтириб, муолажа қилиб, муайян хавф-хатарга нисбатан сергак турар экан. Ёки бўлмаса, эзгу ниятли одамларни тарбиялаб етиштириш орқали ўзига мустаҳкам асос яратар экан. Аллақандай завқи табиий сезимлар ила боғланган ушбу халқа биз ўйлагандан ҳам мураккаброқ ва маҳобатлидир. Чунки, инсон онгида содир бўлаётган ўзгаришларни сезиш, англаш бир қадар мушкул. Биз "онг" деганда жуда жўн тушунчани англаймиз. Ҳолбуки, онг ва онг ости жараёнлари ниҳоятда мураккаб бўлиб, Шарқу Ғарбнинг номдор файласуф ва руҳшуносларининг ҳали-ҳануз бош қотиради. Инсон онги кир ўра эмаски, уни "чиқиндилардан" тозалаш учун ҳашар уюштириш лозим бўлса. Одамзотнинг онг ва тафаккурини тоблаш учун оммавий сафарбарлик самара бермаслигини, аксинча, хунук воқеаларга сабаб бўлиши мумкинлигини яқин тарих сабоқларидан билдик. Очиғини айтганда, ҳар бир давр ўз мезон ва қадриятлари билан янгидир. Ҳаёт ва ўлим, висол ва ҳижрон, ғалаба ва мағлубият, садоқат ва хиёнат каби то қиёматгача яшаб қоладиган мангу тушунчаларни истисно қилганда жуда кўп ҳақиқатлар, зафар ва курашлар, меҳнату қувончлар мезони ўзгарди. Бу нимадан далолат?! Савол аломати ғарчи эгри бўлсада, оҳанги алиф каби тўғридир. Шу тобда рус ёзувчиси Тургеневнинг "Оталар ва болалар" романи ёдингизга тушади. Ёки бўлмаса Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Мен ҳам яшаяпман ўз замонимда, Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ...", деган сатрларини секин такрорлайсиз. Бас, шундай экан, ҳар бир давр миллат қасрига бир ғишт бўлиб қўйилгуси. Гап мана шу ғиштнинг хом-пишиқлигида. Маънавий заифлик, маданий худпарастлик, пилла қурти мисол ўз қобиғига ўралиб яшаш миллату жамиятни оёқдан қолдиради.

Информация, коммуникация технологияларининг такомиллашиб, янги-янги шаклларда намоён бўлиши бу соҳага бўлган қизиқишни сезиларли даражада ошириб юборди. Ривожланган давлатлардаги каби бизда ҳам ахборот технологиялари соҳасини эгаллаш замонавийлик белгиси сифатида эътироф этилмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан ўртага ташланган жамиятни янгилаш ва модернизациялаш ғояси аслида глобаллашув жараёнларига нисбатан ёш, мустақил давлатнинг аниқ-равшан, нуқтаи-назари, тутган йўлидир.

Минтақанинг сиёсий-иқтисодий, маънавий-ғоявий ҳаётига сезиларли даражада таъсир этадиган Ўзбекистоннинг ўтмишдаги пешқадамлик мавқеи истиқболда ҳам сақланиб қолиши шубҳасиз. Буюк Ипак йўлида, цивилизациялар тўқнашган чорраҳада жойлашган бу қадим маданият бешиги Юртбошимиз раҳнамолигида глобаллашув бўҳронларга-да муносиб жавоб бериш қудратига эгадир.

ТАЪЛИМ

Ёшлар камолоти йўлида

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мустақиллик йилларида келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг камол топиши, таълим-тарбия олишлари учун юртимизда катта ишлар қилинди. Мамлакатимизнинг энг чекка, олис ҳудудларида ҳам замонавий қиёфадаги кўркам таълим даргоҳлари бунёд этилди.

Хусусан, Сирдарё вилоятида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида 49 та академик лицей ва коллежлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Коллежлар моддий базаси давлат бюджети ва хорижий инвестициялар ҳисобидан бойитилди. Коллежларимиз энг замонавий ўқув-қуроллари, лабораториялар, жиҳозлар билан таъминланди. Биргина ўтган йилнинг ўзида инвестиция дастурига асосан вилоятда 7 та академик лицей, касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Жорий йилда яна 3 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Шу тариқа манзилий дастур ижроси белгиланган муддатда тўлиқ якунига етказилади.

Сирдарё академик лицейи вилоятдаги энг кенжа таълим масканларидан ҳисобланади. У воҳадаги тўртинчи академик лицей саналади. Сирдарё шаҳрига зеб бериб турган бу кўркам замонавий иншоот учун давлат бюджетидан қарийб 2 миллиард 394 миллион сўмлик маблағ сарфланди. "Маҳмуд Достон" қурилиш фирмаси бунёдкорлари томонидан қад ростлаган ушбу масканда тўрт йўналиш бўйича 300 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчиларнинг асосий фоизини мактабни имтиёзли якунлаган иқтидорли ёшлар ташкил этади. Ўқувчилар аниқ, табиий ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар ва хориж филологияси йўналишлари бўйича таҳсил олмоқдалар. Янги таълим муассасасида иқтидорли, ижодкор, фидойи мураббийлар кўпчиликни ташкил этади. Райим Каримов, Отабек Муллаев, Манзура Яҳёева, Нозиржон Дўстматов каби ўқитувчилар шогирдларининг ҳурмат-эътиборини қозонган.

- Ёшларга таълим-тарбия беришда кадрлар сифатини таъминлашга катта эътибор қаратаяпмиз, - дейди академик лицей директори Фармон Маҳкамов.- Машғулотларнинг самарали ўтишини таъминлаш мақсадида ўқув-техника жиҳозларидан унумли фойдаланилмоқда. Яқинда билим юртига қиймати 160 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари ажратилди. Гулистон Давлат университети билан яқин алоқамиз бор. Университетнинг энг тажрибали, юқори малакали ўқитувчилари ўқувчиларимизга сабоқ беришади.

Таълим маскани ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, бу ерда иқтидорли, қобилиятли ёшлар кўплигидан беҳад мамнун бўлдик. Академик лицейнинг хориж филологияси йўналиши бўйича таҳсил олаётган икки дугона Феруза Аллаёрова, Малика Муҳаммадаминова инглиз тилини мукаммал билган ҳолда хориждаги тенгдошлари билан хат орқали мулоқот қилишаётган экан. Лицейнинг беш нафар иқтидорли, аълочи ўқувчиси эса ўз ижод намуналари билан оммавий ахборот воситаларида қатнашиб туради.

Янги барпо этилган ўқув масканида ёшлар учун бир талай қулайликлар яратилган. Барча шарт-шароитларга эга ўқув лаборатория хоналари кутубхона, спорт зали, ошхона ёшлар ихтиёрида. Қизиқарли машғулотлар, спорт ўйинлари киши эътиборини тортади. Кўзларида ўт чақнаган, ёшлик шижоатига тўла ўқувчиларнинг қувончли чеҳраларига боқар эканмиз, уларга жуда-жуда ҳавасимиз келди.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Тадбиркорлар қонун ҳимоясида

тадбиркорлик субъектларининг 1 миллиард 88 миллион сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди

Амангалди АЛЛАЯРОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, 1-даражали адлия маслаҳатчиси

Кичик бизнес иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланиб, унинг мамлакат ривожланиши ва тараққиётида ўрни беқиёсдир. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мукаммаллаштирилди. Кичик бизнес субъектлари, айниқса фермер хўжаликлари эркин фаолият юритиб, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришмоқда, шунинг ҳисобига республикамизда маҳсулотлар тўкин-сочин ва бозорларимизда нархнаво арзон. Бундай чора-тадбирлар халқимизнинг харид қилиш қобилиятини ошириб, реал даромадининг ўсишига олиб келмоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да асосий эътибор ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ инфратузилмасини шаҳар даражасига яқинлаштиришга қаратилган. Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий масалаларини назорат қилиш ва ишлаб чиқаришни пасайтириш ва иш ўринларини қисқартиришга олиб келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йил давомида шартномавий-ҳуқуқий масалаларга оид 160 га яқин ариза ва шикоятлар келиб тушган. Мазкур мурожаатларнинг 110 дан зиёди кўриб чиқилган бўлиб, шундан 51 таси қаноатлантирилган, 44 та ариза бўйича тушунтириш берилган ва 7 таси асоссиз деб топилган. 1150 га яқин тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб 1 миллиард 94 миллион сўмдан зиёд даъво аризалари вилоят хўжалик суди ва фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга киритилди. Шундан 1 миллиард 88 миллион сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди.

Масалан, вилоят адлия бошқармаси томонидан Хазорасп туманидаги "Хазорасп Саилхон" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, жавобгар "Хазорасп пахта тозалаш" ОАЖ томонидан 2007 йил ҳосили бўйича етказиб берилган пахта хомашёсининг 80 фоизлик қиймати кечиктириб ҳисоб-китоб қилинганлиги сабабли 2 миллион 574 минг сўм пеня ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Аниқланишича, фермер хўжалиги томонидан жавобгар "Хазорасп пахта тозалаш" ОАЖга 2007 йил 3 январдаги 371-сонли контрактация шартномасига асосан 9 миллион 515 минг сўмлик 24,6 тонна пахта хомашёси етказиб бериб, шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилган. Аммо, жавобгар томонидан топширилган маҳсулотнинг 80 фоизлик қийматидан 101,9 минг сўми 68 кунга, 1 миллион 200 минг сўми 99 кунга ва 3 миллион 253 минг сўми 140 кунга кечиктирилиб ҳисоб-китоб қилинганлиги сабабли, тузилган шартноманинг 5.3-бандига асосан жами 2 миллион 574 минг сўм пеня ундириш сўралган даъво аризаси вилоят хўжалик судининг 2008 йил 25 июлдаги ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилди.

Қўшкўпир туманида фаолият кўрсатиб келаётган «Ражаббой Аниязов» фермер хўжалиги раҳбари Р.Аниязовнинг аризасини ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди. Фермер хўжалиги Қўшкўпир тумани «Қўшкўпир пахта тозалаш» ОАЖ билан 2007 йил 5 январда тузилган контрактация шартномасига асосан жавобгарнинг манзилига 71,2 тонна пахта хомашёси етказиб берган.

Шартноманинг 4.3 бандига асосан жавобгар «хўжалик»ка етказиб берган маҳсулоти қийматининг 80 фоизи ҳисобидан терим учун юборилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилганидан қолган қисми 2007 йил 31 декабрь кунигача тўлаб бериши лозим эди. Аммо, жавобгар «Қўшкўпир пахта тозалаш» ОАЖ топширилган пахтанинг 80 фоиз қийматини 2 миллион 379 минг сўмини кечиктириб тўлаганлиги сабабли 475,9 минг сўм пеня ва тўлашдан бўйин товлаганлиги учун 357 минг сўм жарима, жами 832,9 минг сўмни ундириш юзасидан «Ражаббой Аниязов» манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди. Даъво аризасини кўриш жараёнида «Қўшкўпир пахта тозалаш» ОАЖ бош ҳисобчиси ЎзР МЖТКнинг 176-1 моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шовот туманидаги «Шовот пилла» МЧЖ да пилла хомашёси етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномаларининг бажарилиш аҳволи ўрганилганида айрим фермер хўжаликлари етказиб берилган пилла хомашёси учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаганлик ҳолати аниқланди. 140 та фермер хўжалигининг манфаатларини кўзлаб, 15,5 миллион сўмлик даъво аризалари вилоят хўжалик судига киритилди. Ушбу даъво аризалари суд томонидан кўриб чиқилиб тўлиқ қаноатлантирилди. Масалан, «Камилов Одамбой» фермер хўжалиги фойдасига 73,3 минг сўм асосий қарз, 36,7 минг сўм пеня ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилиб қаноатлантирилди. Даъво аризасини кўриш жараёнида «Шовот пилла» ОАЖ раҳбари ва бош ҳисобчиси ЎзР МЖТКнинг 176-1 моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

«Қишлоқхўжаликкимё» тизими бўйича ҳам қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 13 та фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб, 595 минг сўмлик пеня ундириш юзасидан даъво аризаси судга киритилди ва ушбу даъволар қаноатлантирилди. Масалан, Гурлан тумани «Қишлоқхўжаликкимё» филиали билан ушбу тумандаги «Рустам Аҳмад» фермер хўжалиги ўртасида 2007 йил 23 январдаги 944-сонли қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғит етказиб бериш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ, жавобгар фермер хўжалигига 1,3 миллион сўмлик 1,6 тонна минерал ўғит етказиб бериш мажбуриятини олган. Мазкур шартноманинг 3.2 бандига асосан фермер хўжалиги шартнома бўйича етказиб берилиши лозим бўлган минерал ўғит қийматининг 50 фоиз тўловларини жавобгарнинг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиб берган.

Жавобгар шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини тўлиқ бажармаган, яъни фермер хўжалигига шартномада кўрсатилган 95,4 минг сўмлик 120 кг. фосфорли ва калийли минерал ўғитлар етказиб бермаганлиги аниқланди. Жавобгардан фермер хўжалиги фойдасига етказиб берилмаган фосфорли ва калийли минерал ўғит қийматининг кечиктирилган ҳар бир куни учун 0,5 фоиз миқдорида ҳисобланган жами 80 кун учун 47,7 минг сўмлик пеня ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди ва қаноатлантирилди.

Янги йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, шу жумладан фермер хўжаликлари билан тайёрлов, моддий ресурслари етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартномалар тузиш ишларини муддатида якунлаш мақсадида вилоят адлия бошқармасининг ходимлари ҳар бир туманга масъул этиб бириктирилди.

Фермер хўжаликларига қулай шарт-шароитлар яратиш учун вилоятнинг ҳар бир туманида штаблар ташкил қилиниб, вилоят адлия бошқармаси, туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимлари таркибида шартномаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тизимли равишда туман штабларида амалга оширилмоқда.

МАЪНАВИЯТ

АЙЁМ

Йилбошига йўлдош ўйинлар

ёхуд Наврўз анъаналари

Наврўз ҳақида ёзишга тадорик кўраётиб, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидаги «Шуни айтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда» деган сўзлари диққатимни тортди. Чунки биз тилга олмоқчи бўлган Наврўз айёми ҳам ана шундай қадриятларимизни ўзида мужассам этганлиги билан аҳамиятлидир.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор

Наврўзни қуёш, олов, баҳор, замин билан боғлаб нишонлаган аждодларимиз бу кунни ҳузур-ҳаловат, тўкин-сочинлик, баракага етишиш, ўз аждодларининг қийин аҳволдан қутулиб, ёруғ кунларга эришиш фурсати деб билганлар.

Халқимиз орасида урф бўлган қадимий анъанага кўра, йилбоши байрами куни туя уриштириш, хўроз уриштириш, бедана уриштириш, бўялган тухум уриштириш, кўпкари, варрак учириш, ҳалинчак учиш каби турли-туман ўйинлар ўйналган. Йилбоши куни одамлар дала-қирларга, сайилгоҳларга, боғ-роғларга чиқиб сайил қилганлар. Кўклам чечаклари билан қопланган ямяшил далаларда улоқ, кураш ташкил этилган. Чўпонлар ўзларининг бурама шохли қўчқорларини олиб келиб, «қўчқор уриштириш» ўйинини ташкил қилишган. Дор ўйинлари, масхарабоз, қизиқчи, аскиябоз, ёғоч оёкда рақс тушадиган раққослар, муқаллидларнинг томошалари сайил иштирокчиларига катта завқ бахш этган. Бу ўйинларнинг аксарияти келаётган янги меҳнат мавсумининг ҳосили мўл бўлишига магик таъсир кўрсатишдан иборат рамзий характер касб этган.

Наврўз табиатнинг кўкламги уйғониши, серҳосиллик, қутбарака тилаш ғояси билан боғлиқ шодиёна бўлганлиги учун бу байрамда «тухум» деталига алоҳида эътибор қаратилади. Наврўз байрами куни етти хил донли экинлар майсасининг кўкаришига қараб йил ҳосилининг чўғи чамаланган, етти идишга сумалак сузилган, далага илк бор қўш чиқариб, ерга дон сепилган. Уйларнинг деворига қуёш рамзи ҳисобланган доира шакли чизилган. Айвонларнинг устунларини ҳар хил гуллар, чечаклар билан безатиб, тагига учтадан пиликисчироқ ёқишган. Қўни-қўшнилар бир-бирларига бўялган тухум совға қилганлар.

«**Тухум уриштириш**» Ўрта Осиё халқларининг Наврўз байрамига хос анъанавий ўйинларидан бири бўлган. Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Назари қишлоғида йилбоши куни қишлоқ аҳли бир жойда тўпланишиб, баҳамжиҳат бўлиб байрамона таом пиширишади. Таом ейилгач, фотиҳа ўқилади ва ***«тухум уриштириш»*** бошланади. Бунинг учун ҳар ким тухумларни сувда яхшилаб қайнатиб пиширади ва қизил, сариқ, кўк рангга бўяб олиб келади. Турфа рангга бўялган тухумларни чўнтагига солиб олган ёш-яланглар, болалар бир-бирлари билан тухум уриштирадилар. Кимнинг тухуми пачоқланса, у ютқазган ҳисобланади ва пачоқ бўлган тухумни ҳарифига беришга мажбур бўлган.

Халқимизнинг Наврўз байрами билан алоқадор баҳорий маросимларидан бири ҳисобланган "Қизил гул" сайлида қатнашган йигитлар ўзлари ёқтирган ёки унаштирилган қизларига олма, анор, бўялган тухум отганлар. Бу нарсалар мифопоэтик тасаввурларга кўра серҳосиллик, севги, оила ва фарзанд тушунчалари билан боғланади. Бўялган тухумнинг гул сайлида асосий рамзий детал сифатида кенг қўлланилганлигига сабаб тухумнинг бевосита аграр культлар билан алоқадорлигидадир. Оламнинг тухумдан яратилиши тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ҳосилдорлик культи билан боғлиқ маросим ва удумларда ҳам ўз ифодасини топган. Шарқий славянларнинг пасха байрамида бўялган тухум билан боғлиқ жуда кўп ирим-сиримлар, ўйин ва одатлар мавжудлиги ҳам тухум ҳосилдорлик ғоясини ташувчи детал эканлигини кўрсатади.

Жаҳоннинг кўпгина халқларида бўялган тухум табиатнинг кўкламги уйғониши тимсоли сифатида ритуал аҳамият касб этгани каби Бухорода ҳам Наврўз байрами дастурхонини қизил рангга бўялган тухум билан безатиш одати бўлган.

«Қизил гул» сайлида бўялган тухум отиш келаётган йилдан мўл ҳосил сўраш, табиатнинг боқийлигини улуғлаш, барака ва омад тилаш ифодаси саналган. Ана шу рамзий детал билан боғлиқ ҳосилдорлик ғоясини ташишига кўра ҳам «Қизил гул» сайли Наврўз байрами тизимидаги календарь маросимлар сирасига киради.

Йилбоши сайлида «тухум уриштириш» ўйини Доғистонда истиқомат қилувчи кўпгина халқларнинг маросим фольклорида ҳам қайд этилган. Масалан, лак, табасаран ва бошқа халқлар удумича, баҳорий тенгкунлик нишонланадиган куни болалар, ўсмирлар қизил, сариқ, кўк рангга бўялган тухумларни олиб бир тепаликка тўпланишган. Ҳаммалари тепалик устидан пастга қаратиб бўялган тухумларни думалатадилар. Кимнинг тухуми бошқа тухумга урилиб, пачоқланмаса, ўша тухум эгаси пачоқланган тухумни ютиб олган ҳисобланади. Адигларда эса йилбоши оқшоми ёнғоқ уриштириш ўйини ўйналган. Ёнғоқ уриштириш ўйини ўзбек болалар ўйин фольклори намунаси сифатида ҳам анъанавийлашган бўлиб, назаримизда, бу ўйин аслида йилбоши кунида ўйналган рамзий-магик ўйинлардан бири бўлган.

Жаҳондаги кўпгина халқларнинг баҳорий маросимлари ва аграр удумларида бўялган тухум рамзий маъно касб этувчи ашё сифатида қўлланилган. Масалан, қадимги мисрликлар, римликлар, юнонлар, галларнинг баҳор байрамида бўялган тухум баҳор ва ҳаёт рамзини англатган. Буюк Британия қишлоқларида пасха байрами кунлари ота-оналар гулзорларга, бутазорларга пиширилган тухумларни яшириб қўйишган ва болалар ана шу тухумларни топиб келиш бўйича мусобақалашганлар.

Халқимизнинг тўй маросимларида ҳам «тухум» деталининг иштироки серҳосиллик, серпуштлик ғояси билан алоқадор. Масалан, суннат тўйида уста тўйболани хатна қилаётган пайтда уни ўраб олган яқин қариндошлар, кўпинча ёш-яланглар болага далда бериш, мадад бериш мақсадида «кулола!» деб қичқириб турадилар. Шу пайт тўйболанинг бобоси уста чукрон қилаётганда набирам йиғламасин, деб унинг оғзига тухум тиқади. Фарғона водийсида суннат қилинган болани кўргани келган аёллар тухум кўтариб келишида ҳам айни шу маъно ящиринган. Хоразм вилоятида уста хатнани бошлашидан аввал амакилари боланинг оғзига қайнатиб пиширилган тухум солиб қўядилар.

Никоҳ тўйида келин-куёв серфарзанд бўлсин деган ниятда уларнинг чўнтагига тухум солиб қўйиш одати мавжуд. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жиғачи қишлоғида «келин келди» куни куёвникида *«Келин ували-жували бўлсин, бир этак боласи бўлсин»*, деб этагига тухум солинади. Шу туманнинг Тангачар қишлоғида эса *«Тўй куни келин-куёвнинг қўлтиғига тухум қистириб қўйилса, фарзандлари кўп бўлади»*, деган тасаввур мавжуд.

Хоразмликлар удумича эса келиннинг «чой халта»сига икки дона тухум солиб қўйилади. Бу одатнинг маъноси келинчакнинг серфарзанд бўлишига истак билдиришдан иборатдир. Қашқадарё вилоятида куёвнинг ёқасидан 8-10 та тухум киритилиб, енгидан жуфт ҳолда тортиб олинади. Бу одатни бажаришда келин ва куёвнинг серфарзанд, ували-жували бўлиб, ўзидан кўпайиб ҳаёт кечириши назарда тутилган.

Наврўз байрамида қуни-қўшни, яқинларга қайнатиб пиширилиб, қизил, сариқ, кўк рангларга бўялган тухумларни ҳадя этиш удуми ва «тухум уриштириш» ўйинининг замирида оламнинг тухумдан яратилганлиги тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ётади. Дунё халқлари мифологиясида «тухум»ни барча нарса-ҳодисаларнинг ибтидоси, деб талқин қилишга асосланган асотирий қарашлар кенг тарқалган.

«ҚОЗОН ТЎЛДИ»

Биз 2003 йилда Бойсун туманида фольклор экспедициясида бўлганимизда, Назари қишлоғида Наврўз билан боғлиқ қизиқарли халқ ўйинлари сақланиб қолганлигини аниқлаган эдик. Айтишларича, қуёш Назари қишлоғининг қуйи тарафидаги тоғ устида ўсадиган учта асрий арчанинг биринчисидан ботиб, йилбошига белги бергандан кейин қишлоқнинг ёши улуғ, пиру бадавлат кишилари ҳар бир уйга кириб, хонадон аҳлини йилбоши билан қутлайдилар ҳамда уй эгаларига соғлик, қут-барака тилайдилар. Ўша оқшом қишлоқда ***«Қозон тўлди»*** деган одат қилинади. Эртаси куни ҳамма биргалашиб байрам қилади. Буни ***«йилбоши»*** дейдилар. Кураш, чиллик ўйинлари бўлади.

БЎРИ ЎЙИНИ

Наврўздан кейинги уч кун ичида Назарида болалар, йигитлар ***«бўри ўйини»*** деган бир ўйинни ўйнайдилар. Улар ниқоб киядилар, соқол-мўйлов қиладилар. Бўриникига ўхшаган қулоқ ясаб киядилар. Тўнларининг орқасини йиғиштириб, бураб дум қиладилар. Бу ўйиннинг номини ***«Гургургак», «Бўри келди»*** деб ҳам атайдилар. 10-18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар юқоридаги кўринишга кириб, уймаўй юрадилар. Ҳар бир уйга борганда қўшиқ айтадилар. Уй эгаси чиққанида уни ҳалиги «дум»и билан урадилар. Ҳар бир уй олдида икки-уч минут ўйин-кулгу қиладилар. Болалардан иккитаси халта кўтариб юради. Бекалар чиқариб берган нарсаларни ўша халталарга соладилар. Қишлоқни айланиб чиққач, тўпланган нарсалардан бирорта таом пишириб, биргалашиб ейдилар ва уй эгаларининг ҳақига дуо қиладилар. Ортиб қолган нарсаларни фақирларга тарқатадилар. Назариликлар бу ўйин ўйналаётганда *«Бўри келди - файз келди»* дейдилар.

Ҳамалнинг тўртигача, яъни уч кун давомида ўйин-кулгу қиладилар. Учинчи кундан бошлаб ҳамма далага, боққа чиқиб кетади. Агар ўша куни ёмғир ёғса ҳам нимадир иш қилиб, деҳқончилигини бошлаб келади ёки боғига бориб ишлайди.

Бойсун туманининг Назари қишлоғида Наврўз байрамида **«Бўри келди»** ўйини ўйналиши бежиз эмас. Чунки турк олими Абдулҳолиқ Жойнинг маълумотларига қараганда, қадимги туркийлар Наврўзни **"бўзқурт куни"** деб ҳам аташган экан. Маълумки, азал-азалдан бўрини муқаддас жонивор сифатида эъзозлаб келган туркий қавмлар назарида қишқировли кунлар ўтиб, тўкинсочин кўклам келиши ҳам ана шу мўътабар жонивор ҳомийлиги маҳсулидир.

Шу боис, улар йилбошини улуғ аждодлари - муқаддас кўк бўри билан учрашган шарофатли кун сифатида ғоят қадрлаганлар. Афсонада айтилишича, қадимги туркийларнинг бобокалони Ўғузхон ғорда яшаган вақтида қишдан қаттиқ қўрқар экан. Йилнинг уч фаслини қишловига емиш ғамлашга сарфларкан. Бир йили қиш қаттиқ келиб, қор-қировли кунлар чўзилиб кетибди. Ўғузхоннинг уч ой қишга мўлжалланган озиғи соб бўлибди. Бир куни қуёш чиқиб, ҳаво бироз исиган экан, Ўғузхон ғоридан чиқиб қараса, қишнинг дами қайтиб, баҳор еллари эсаётибди. Шунда у бирор егулик топиш умидида йўлга чиқибди. Йўлда унга бир кўк ёл бўри йўлиқибди.

- Ҳа, Ўғузхон, бу иликузилди кунда сенга йўл бўлсин? - деб сўрабди бўри. Ўғузхон мақсадини баён қилган экан, бўри:

- Ҳой, Ўғузхон, фалон жойдаги йўл айрига борсанг, бир сурув қўй, бир боғ буғдой, бир тегирмон ва битта чарх бор. Шуларнинг ҳаммаси сеники, қўйларни боқиб кўпайтирасан, жунидан чархда ип йигириб, ўзингга кийимлик мато тўқийсан, буғдой донидан сочсанг, қишин-ёзин нонинг муҳайё бўлади, - дебди.

Ўғузхон кўк ёл бўри айтган жойга бориб қараса, чиндан ҳам ўша нарсаларнинг бари бор экан. У қўй боқишни, буғдой экиб, деҳқончилик қилишни, тегирмонда ун чиқаришни, чархда ип йигириб, мато тўқишни ўрганиб олибди. Бўри билан учрашган кунини эса ҳар йили байрам қиладиган бўлибди. Наврўз "кўк бўри куни", яъни Ўғузхоннинг кўк ёл бўри билан учрашиб, рўшноликка чиққан куни экан.

Бу афсонада тош асрида яшаган аждодларимизнинг турмуш тарзи, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг келиб чиқиши билан боғлиқ кўҳна эътиқодий қарашлари ўз ифодасини топган. Боболаримиз тасаввурига кўра, қиш табиатнинг рамзий ўлими, зулмат, совуқлик, ёвуз кучлар хуружи билан боғлиқ бўлса, кўклам бутун ҳайвонот ва наботот оламининг уйғониши, ҳаётнинг жўш уриши, ёруғлик, иссиқлик, эзгулик тантанаси, мўл ҳосил тимсоли сифатида тушунилган. Шу боисдан қиш билан баҳор бир-бирига қарама-қарши кучлар рамзи ўлароқ талқин қилинган.

(Давоми бор)

СОҒЛОМ АВЛОД — БУЮК КЕЛАЖАК ОМИЛИ

Мамлакатимизда маънавий ҳамда жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш, келажагимиз эгалари бўлган ёшларга ўз иқтидори ва имкониятларини намойиш этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга жавобан ёшларимиз ҳам халқаро анжуманларда, спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб Ватанимиз шуҳратини оламга ёймоқдалар.

Аждодларга муносиб бўлайлик

Рўзибой МАТКАРИМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Урганч шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи талабаларининг халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон биринчиликларида қўлга киритаётган ютуқлари бунга мисол бўла олади.

Замонавий услубда қурилган, барча талаб ва андозаларга жавоб берадиган бу коллежнинг фойдаланишга топширилганига эндигина саккиз йил бўлди. Унинг ишга туширилиши воҳа ёшлари учун энг яхши совға бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Чунки ўз даврида оламшумул шуҳратга эга бўлган Паҳлавон Маҳмуддек улуғ зотнинг авлодлари орасида жисмонан кучли, бақувват ёшлар жуда кўп.

Коллеж эса ўз ўрнида уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда. Улар ҳақиқий олимпиячилар бўлиб етишишлари учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда коллежда 1208 нафар талаба спортнинг 28 тури бўйича маҳоратини оширмоқда. Спортнинг вилоятда аввал мавжуд бўлмаган синхрон сузиш, сув полоси, чим устида хоккей, юнон-рум кураши, байдарка ва каноэда эшкак эшиш турлари бўйича ҳам машғулотлар йўлга қўйилган. Қисқа вақт ичида коллежда тўрт нафар халқаро тоифадаги, 28 нафар республика миқёсидаги спорт устаси, 212 нафар спорт усталигига номзод, 800 нафарга яқин оммавий тоифага эга спортчи тайёрланганги ўқув даргоҳининг нуфузи ошиб бораётганини кўрсатади.

Коллеж асосан хорижда, жумладан, Испания, Германия, Швейцария ва Японияда ишлаб чиқарилган спорт анжомлари билан жиҳозланган.

Коллежнинг моддий таъминотига маҳаллий бюджет ҳисобидан кўмак берилмоқда. Бу ерда ўйингоҳ, ёпиқ ва усти очиқ сузиш ҳавзаси, гимнастика, кураш, оғир атлетика заллари, эллинг (байдарка-каноэда эшкак эшиш базаси), ёпиқ теннис корти, учта волейбол ва баскетбол, иккита қўл тўпи, бадминтон майдонлари мавжуд. Коллеж спортнинг 20 тури бўйича халқаро мусобақаларга мезбонлик қилиш имкониятига эга.

Бу ерда миллий кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги, сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати, бадиий гимнастика, эркин кураш, теннис, волейбол бўйича олий лига ўйинлари ва халқаро мусобақалар олий даражада ўтказилиб келинади.

Олимпия заҳиралари коллежи жамоасининг наинки марказда, балки қишлоқларда ҳам болалар спортини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси катта. Маҳоратли мураббийлар 1500 нафарга яқин маҳалла ёшлари билан ҳам машғулотлар олиб борадилар. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Халқ таълими вазирлигининг рухсати билан вилоят ҳокимлигининг қарорига асосан 2003 йилда коллеж қошида ихтисослашган мактаб-интернат очилган эди. Бугунги кунда мактаб-интернатда 300 нафардан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Коллежда ўқув тарбия ишларининг самарадорлигини таъминлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Учта компьютер билан жиҳозланган тўртта лингофон хонаси ўқувчилар ихтиёрида. Кимё, физика, лаборатория хоналари тўлиқ қайта жиҳозланган. Коллеж талабаларининг жаҳон ва Осиё ареналарида қўлга киритаётган ютуқлари ҳам шунга мос бўлмоқда. Масалан, Гулноза Матниёзова дзюдо бўйича 2007 йилда Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда юқори поғонага кўтарилган бўлса, 2008 йилда Яманда ўтказилган Осиё биринчилигида ҳам энг юқори натижага эришди. Руслан Сотлиқов чим устидаги хоккей бўйича Малайзияда ўтказилган ўйинларда, Умид Солаев Украина, Озарбайжон давлатларида бўлиб ўтган халқаро турнирларда иштирок этиб, бокс бўйича тенгқурлари орасида ғолибликни қўлга киритди. Бундай ёшларнинг номларини кўплаб келтириш мумкин.

Коллеж талабалари орасидан келгусида олимпия ғолиблари етишиб чиқишига умид билдирамиз.

КЎРГАЗМА

Миниатюра

ёш рассомлар ижодида

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ёш рассомлар ижодида миниатюра анъаналари" бадиий кўргазмаси очилди.

Экспозицияда ёш бўлишига қарамасдан танилиб улгурган, кўпгина шогирдларни тарбиялаган рассомлар асарлари намойиш этилмоқда. Муаллифларнинг кўпчилиги республика ва хорижда ўтказилган кўргазмалар иштирокчилари. Айримлари учун бу кўргазма дебют бўлди ва илк бора томошабинларга ижодий асарларини намойиш этмоқдалар.

Кўргазманинг асосий мақсади Ўзбекистон ёш миниатюрачиларининг ҳозирги ижодида анъана ва ютуқларини кўрсатишдан иборат. Кўргазма бугунги кунда рассомларнинг ёш авлоди қандай ижод қилаётганлиги, уларни нималар қизиқтиради ва тўлқинлантиради, қўллаётган услуб ва анъаналари, ижодий изланишлари ҳақида сўзлайди. Кўргазма март ойининг ўнинчисигача ўз ишини давом эттиради.

К.ХОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Туризм

уни ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг имкониятлари тобора кенгаймоқда

Туризм бугунги замон иқтисодиётида катта ўрин тутади, қолаверса, кун сайин такомиллашиб, янгиланиб бормоқда. Гўзал табиат гўшалари, тарихий-маданий осори-атиқалар сайёҳликнинг, соддароқ қилиб айтганда, ошу нони. Юртимизда ҳам барча қадр-қимматли ноз-неъматлар муҳайё. Олтин, оқ олтин, қора олтин, мусаффо табиат, энг муҳими башарият тамаддунининг бешикларидан бўлган беназир шаҳарларимиз, Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаб келган меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар бор. Пурвиқор тоғлардаги абадий музликлар, минг хил дардга даво гиёҳлардан тортиб шифобахш сувларгача заминимизда мужассам. Бу бизда туризм соҳасида катта имкониятлар борлигидан далолат беради.



«Туризм» французча сўздан олинган бўлиб, tour – сайр, саёҳат деган маънони англатади.

Сайёрамизда туризмнинг тарихи XIX аср бошларига бориб тақалади. Дастлаб 1815 йилда Англиядан Францияга уюшган сайёҳлик ташкил этилган. Туризмнинг асосчиси ҳисобланган инглиз руҳонийси Томас Кук 1843 йилда 1-темир йўл сайёҳлигини ташкил этган. Шундан сўнг у ўзининг туристик корхонасини тузиб, 1866 йилда илк сайёҳлик гуруҳларини АҚШга жўнатган. Шарқда араб сайёҳи Ибн Баттута 21 ёшида саёҳатини бошлаб, деярли барча Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларини кезиб чиққан.

Ўзбекистонда туризм соҳасига раҳбарликни 1992 йил 27 июлда тузилган "Ўзбектуризм" миллий компанияси олиб бормоқда. Компания асосий эътиборни туризм инфраструктурасини ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб қилиб замонавий туристик комплексларни барпо этиш, янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, хизматлар доирасини кенгайтиришга қаратган. Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1999 йил 20 августда "Туризм тўғрисида"ги қонун, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида халқаро талабларга жавоб берадиган туризм инфратузилмасини кенгайтиришга доир самарали чора-тадбирлар кўзда тутилган. Ўзбекистон 1993 йилда ўз сафига 120 дан ортиқ мамлакатни бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилоти (1975 йилда тузилган)га аъзо бўлган.

Туризм ташкилотларини такомиллаштириш ҳамда кичик туристик корхоналарнинг хизмат кўрсатиш бозорини фаоллаштириш, хорижий сармояни соҳага жалб қилиш мақсадида 1998 йил ҳукуматимиз қарори билан Тошкентда "Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси" ташкил этилган. Мазкур ташкилот қарийб 400 дан зиёд туристик корхоналар билан яқиндан фаолият олиб боради. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг сайёҳлик бозорида туристик фаолият билан шуғулланиш лицензиясига 440 нафардан зиёд фирма ва корхоналар эга, уларнинг аксарияти эса хусусий фирмалардир. БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти вакилларининг сўзларига кўра, мамлакатимизда йилига 1 миллион кишининг ўртача олти кундан ҳордиқ чиқариш имконияти бор.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси мутахассисларининг фикрича, сайёҳлар сонини оширишнинг энг муҳим йўлларидан бири – бу туризм салоҳиятини етарли даражада халқаро миқёсда реклама қилишдир. Бу ишга эътиборни кучайтириш давр тақозосига айланиб бораётир.

- Дунёда Ўзбекистондаги туризм масканларини реклама қиладиган тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилмоқда, - дейди биз билан суҳбатда "Semurg Travel LLC" туристик фирмаси раҳбари Умурбек Рўзиметов. – Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистонда халқаро андозаларга мослаб қурилган сайёҳлик мажмуаси сифатида Чорвоқдаги иншоотларни айтиш мумкин. Шу билан бирга дам олувчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда худди шундай рақобатбардош масканларни янада кўпайтириш зарур.

Яқинда мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Туркманистон президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов турли соҳалар қатори сайёҳликни ривожлантириш борасида ҳар икки мамлакат катта имкониятларга эгалиги таъкидланган эди. Бошқача айтганда, дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айланиб бораётган сайёҳлик ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳ алмашувини ривожлантириш, халқ ҳунармандчилиги буюмларини тайёрловчи усталарнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромадини ошириш баробарида учинчи давлатлардан сайёҳ жалб қилишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркманистон, Туркманистонга келган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Буларнинг барчасига сайёҳлик компанияларининг биргаликда маркетинг тадқиқотлар ўтказиши орқали эришиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам асос яратилади.

Табиийки, сайёҳлик тизимини меҳмонхоналарсиз тасаввур қилиш қийин. Юртимизда 20 мингдан зиёд кишини ўз бағрига сиғдира оладиган 150 тадан зиёд лицензиялаштирилган меҳмонхоналар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, қатор юлдузли меҳмонхоналарнинг қурилиши асосан бизнес вакилларига мўлжалланган.

Германиянинг "Штудиосус" йирик сайёҳлик компаниясининг минтақавий бошқарувчиси Э.Долди Ўзбекистон сайёҳлик инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш тармоғининг тобора такомиллашаётгани чет эллик сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилаётганини эътироф этди. Э.Долдининг қайд этишича, "Штудиосус" компанияси воситачилигида Ўзбекистонга саёҳат қилувчилар сони сўнгги йилларда уч баробар кўпайган ва уларнинг аксарияти Ўзбекистондаги саёҳат масканлари ва маиший хизмат даражасидан мамнун бўлишган. Компания мутахассислари ҳисоб-китобига кўра, янги мавсумда Ўзбекистонга сафар қиладиган немис сайёҳлари сони яна 15-20 фоизга ортиши кутилмоқда.

Дарвоқе, ички туризмнинг асосий манбалари сифатида Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги қадимий обидалар келтирилади. Шунингдек, бугунги кунда дам олиш санаторийлари, айниқса, тоғли ҳудудлар – "Чорвоқ", "Чимён", "Белдерсой" ва бошқа дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқарувчилар сони 2007 йилга нисбатан 2008 йилда 2 баробарга ошган. Умуман, юртимизда туризм соҳаси халқимизнинг миллий бойлигига айланиши учун барча имкониятлар бор, имтиёзлар мавжуд. Хўш, бу нималарда намоён бўлади? Энг аввало, мамлакатимизда тинч ва осойишта ҳаётнинг ҳукм сураётгани, барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар ўтказиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, яхшилаш имкониятини яратди. Дарҳақиқат, тинч ҳаётсиз на тараққиётга ва на юксалишга эришиб бўлмайди. Осойишталик – энг муҳим омил, айниқса, туризм соҳасида.

Сайёҳлик дунёдаги энг кўп фойда келтирадиган соҳа бўлиб, жаҳон бўйича унинг миқдори 500 миллиард АҚШ долларидан ошади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Молиявий ёрдам 8,5 миллиард евро

Европа инвестиция банки Европа Иттифоқига аъзо давлатларга кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун март ойининг охирига қадар 8,5 миллиард евро миқдорида молиявий ёрдам кўрсатади. Бу ҳақда ЕИнинг Брюсселда ўтказилган саммитида маълум қилинган.

Еврокомиссия вакили Жозе Мануэл Баррозунинг фикрича, ЕИ шунингдек, Иттифоқнинг янги аъзоларига глобал молиявий инқирозни бартараф этиш мақсадида 2009 йилда яна 7 миллиард евро миқдорида ёрдам кўрсатилади. Шундан Польшага ўртача 2,5 миллиард, Венгрия ва Чехия эса 1 миллиард евро тегишли бўлади. Саммит доирасида, шунингдек, реал секторни қўллаб-қувватлаш, айниқса, автомобиль саноатига эътиборни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Жозе Баррозунинг айтишича, бунинг учун параллел ёрдамлар керак бўлади.

Зилзила 10 соат аввал

Германиялик олимлар ер силкинишидан бир қанча вақт олдин ерости тоғ жинсларида ўзгаришлар рўй беришини аниқладилар.

Бунинг учун геологлар бир туйнукка сейсмик тўлқинларни бошқарадиган ёриткич, иккинчисига силкинишларни илғаб оладиган асбобни туширдилар. Ушбу электрон асбоблар икки чуқурлик орасидан ўтадиган тўлқинларни ҳисоблаб боришга мўлжалланган. Тадқиқотчиларнинг тахминича, зилзиладан бироз олдин ерости тўлқинлар ҳаракатига таъсир қиладиган жинслардаги ёриқларнинг ёпилиши ёки очилиши кузатилади. Туширилган ускуналар уларни аниқлаб, маълумот етказиб туради. Мазкур ғоя янги бўлмаса-да, аниқлик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ускуналар бир зилзиладан икки соат олдин, иккинчисидан ўн соат олдин огоҳлантириш сигналини берган. Бу эса ўз вақтида эҳтиёт чораларини кўришга етарли вақт ҳисобланади.

Халқаро трибунал иши

Гаагада Ливан бош вазири Рафиқ Ҳарирининг ўлдирилиши юзасидан суд жараёни бошланди.

Суд БМТ Хавфсизлик кенгашининг 2007 йил июндаги махсус резолюцияси юзасидан ташкил этилган. У ишда айбдор сифатида иштирок этаётганлар ўрасида 4 нафар Ливан фуқаролари ҳам бор. Кузатувчиларнинг фикрича, мазкур суд иши қарийб 5 йилгача чўзилиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, Ливан вазири Рафиқ Ҳарири 2005 йил 14 февралда миналаштирилган автомобилнинг порт-лаши оқибатида ҳалок бўлган. Ҳарири билан бирга яна 22 нафар одам ҳам оламдан кўз юмган.

Интернет хабарлари асосида Ғулом Орзиқулов тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мусейон

илк музейлар шундай номланган

Илк бор музейга борганим ҳечам эсимдан чиқмайди. Чамаси 5-6 ёш бўлсам керак. Отам мен ва укамни Табиат музейига олиб борганларида биринчи бўлиб эшик тепасида осиғлиқ турган катта бургутга кўзим тушганди. Укам эса ундан қўрқиб, ичкарига кирмайман деб роса хархаша қилган. Мен бўлсам тезроқ ичкарига кириб қолганларини томоша қилишни хоҳлардим. Шундай ҳам бўлди. Музейни бир ўзим айлана бошладим. Ҳатто, бир зумга отам мени қидириб қолсалар нима бўлади, деб ҳам ўйламабман...

Тўғри, музейлар ҳақидаги менинг илк тасаввурим болаларча эди. Ўшанда англамаганларимни кейинчалик тушуниб етдим. Баъзи нарсаларнинг маъзини ҳозир ҳам чақмоқдаман. Ёшлигимдаги бу воқеани бекорга эсламадим. Мақсадим эса ягона: музейлар қачондан бери мавжуд, уларга ким асос солган, деган саволлар навбатдаги мақолани ёзишимга туртки бўлди.

Тарихчиларнинг айтишича, эрамиздан аввалги I асрда яшаган Птоломей I Сотер музейларга асос солган илк император бўлган. Ўша даврда ҳамма империяни талаш билан овора бўлган бир пайтда у илм-фан ривожига алоҳида аҳамият беради. Айнан унинг саъй-ҳаракати билан "мусейон", яъни музейлар қурилган. Ҳозирда биз қўллайдиган "музей" сўзининг асл шакли "мусейон" бўлиб у "илҳом парисининг ошёни" маъносини англатади. Мутахассисларнинг фикрича, ўша даврдаги "мусейон"лар бугунги музейларимизга жуда ўхшаш бўлган. Ўшанда Птоломей I томонидан тўққизта "мусейон" барпо қилинган экан. Шундан иккитаси илм билан боғлиқ бўлиб, уларда тарих ва астрономияга тааллуқли қурилма, ўқув қуроллари, китоблар, фил суяклари, ноёб ҳайвон терилари сақланган ва ўрганилган. Масалан, Клио музейи — тарих, Урания — астрономия, Мельпомена — трагедия, Талия — комедия, Терпсихора — рақс, Каллиопа — поэзия, Полигимния — диний ашула, Эвтерпа — лирик поэзияни ўзида акс этган. "Илҳом париси ошён"ларини дунёдаги энг биринчи илмий тадқиқот институтлари дейиш мумкин. Негаки, бу каби масканлар бутун дунё олимлари, улуғ инсонларни қизиқтирган, уларни шу ерга чорлаган. Ернинг диаметрини ҳисоблаб чиққан математик ва географ олим Эратосфен, ҳатто Коперникдан икки минг йил олдин ернинг думалоқ шаклда эканини аниқлаган Аристарх Самосский, автоматлаштириш ғояси асосчиси Герон ҳам ўз тадқиқотларини шу ерда давом эттиришган. Шунингдек, "мусейон" одам жасадини ёриш рухсат этилган дунёдаги ягона жой эди. Машҳур анатом Герофил айнан шу ердан туриб илк бор инсоннинг



бош мияси нерв тизимининг маркази ҳамда фикрлаш органи эканини аниқлаган. Шунингдек, бу ерда расадхона, зоология ва ботаника боғлари, кутубхоналар барпо қилинган.

Птоломей I "мусейон"да ниҳоятда бебаҳо саналган китоблар тўпламини йиғиб, 700000 қўлёзма сақланадиган кутубхона барпо қилган. Бора-бора бу илм даргоҳлари музейларга айланиб, ҳар бир соҳага тааллуқли қурилма, ҳайкаллар, бюстларни ўзида жамлаган. Александриядаги кутубхонанинг асл мақсади илмий маълумотларни тўплаб ўқувчиларга етказиш бўлган. Кейинроқ замона зайли билан кутубхона вайрон бўлиб, бебаҳо хазиналар ташиб кетилган. Вақт ўтиши билан жанг жадаллар чоғида "ғойиб" бўлган санъат асарлари машҳур кишилар томонидан сотиб олинган. Шу тариқа бой-бадавлат кишилар қадимги санъат асарлари ва тарихий ёдгорликларни тўплаб, уйларига келган меҳмонларга намойиш эта бошлашган.

XIX асрга қадар музей дея аташга лойиқ бўлган коллекциялар тўплами жуда кўп бўлган. Бироқ улар қирол ва бадавлат кишилар оиласига тааллуқли бўлгани боис, уни томоша қилиш барчага бирдек насиб этавермаган. Ҳатто, XVIII асрда қурилган Британия музейига бир кунда атиги бир нечта киши, олдиндан ёзма рухсат олгачгина киритилган экан. Дунёга машҳур Лувр музейининг очилиши тарихи айнан илк музейлар билан боғлиқлигини ким билибди дейсиз. 1793 йили Франция қиролининг резиденцияси бўлган Лувр халқ революциясидан сўнг Франция миллий музейига айлантирилган. Ана шундан сўнг, замонавий кўринишга эга, муҳташам музейда оддий халқ қадимги санъат асарларидан иборат тарихий экспонатларни кўришга муяссар бўлган.

Лувр музейи ҳозирга қадар дунёдаги энг йирик ҳамда энг кўп сайёҳлар ташриф буюрадиган бадиий санъат музейи ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, 2006 йилда 8,3 миллион киши Луврни томоша қилган. Айтишларича, 1190 йили қирол Филипп-Август ҳашаматли қаср барпо этиб, у ерда Лувр минорасини қурдирган. 1546 йили Франциско I нинг буйруғига биноан минора қайтадан қурилади ва қирол резиденциясига айлантирилади. 1594 йили Генрих IV Луврни Екатерина Медичи хоҳиши билан қурилган Тюильри саройи билан бирлаштиради. Архитектор Лемерсье ва Людовик XIII ҳукмронлиги даврида Луи Лё-Во саройни тўрт баробар катталаштиради. Людовик XIV қирол резиденциясини Версалга кўчирганидан сўнг, Лувр эътибордан четда қолади. XVIII асрда Луврда янги лойиҳалар қўлланилиб, уни музейга айлантириш ишлари бошлаб юборилади. Илк бор 1793 йилнинг 8 ноябрида музей эшиклари омма учун очилади.

Бугунги кунда музей коллекциясида турли халқлар цивилизация ва маданияти, ноёб санъат дурдоналари сақланади. Музейда тахминан 300 000 экспонат бўлиб, шундан фақатгина 35 000 таси залларда намойиш этилган. Айрим экспонатларни узоқ муддат очиқ ҳолда қолдириб бўлмаслиги боис улар махсус хоналарда сақланади. 1826 йили 15 майда Карл X фармойиши билан Лувр музейида қадимги Миср бўлими очилади. Биринчи бор бу бўлимни томоша қилган киши қадимги Миср иероглиф олими Фан-Франсуа Шампольон бўлган. Шунингдек, у ерда турли цивилизацияларга оид ҳайкаллар, бадиий асарлар, мебель ва қимматбаҳо буюмлар сақланади.

Францияда дунёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ санъатнинг келажагини кўпроқ сиёсатшунослар ҳал қилишган. Узоққа бормайлик, 1960 йили Париж марказида президент Жорж Помпиду фармойишига кўра ажойиб санъат дурдонаси бунёд этилган. Ундан кейинги президент Жискар д'Эстен эса д'Орсе вокзалини бутун бошли музейга айлантиради. XXI асрнинг бошида бу анъанани давом эттирган президент Жак Ширак "Янги авлод этнографик музейи"(иккинчи номи "Бранли музейи")ни барпо этади. Парижнинг қоқ ўртасида Эйфель минорасидан 200 метр нарироқда жойлашган "Бранли музейи" ўзгача услубда қурилган. Музей ойнабанд деворлар билан ўралган бўлиб, унда табиий чангалзор барпо этилган. Мазкур чангалзорларда Осиё, Африка, океан орти объектлари жой олган. Музей асосчиси франциялик физик олим Эдуард Бранли. Бироқ, у на Африкада ва на Осиёда бўлган. Шундай бўлса-да у ўзга халқларнинг маданияти, санъатини тараннум этувчи 300 000 экспонатни йиғиб, музей яратишга муваффақ бўлган. Бошида музей лойиҳасини амалга ошириш машаққатли кечган. Лекин, узоқ баҳс-мунозаралардан сўнг замонавий музейни ташкил қилиш учун керакли маблағ ажратилган. Музей қурилиши салкам 10 йил давом этган. Унга машҳур архитектор Жан Нувел бошчилик қилган. Ниҳоят, 2006 йили музейнинг тантанали очилиши маросими бўлди. Жан Нувелнинг айтишича, у шунчаки музей эмас, балки "дунё ичидаги дунё"ни яратишга интилган. Музейнинг яна бир ажойиб хусусияти бор. Музей деворлари ойнаванд бўлгани боис, ташқаридаги киши ажойиб манзарага гувоҳ бўлади. Табиийки, ўзга цивилизациялар ҳаётига оид тасвирларни ойна ортидан кўрган ҳар қандай инсон музейга киришни беихтиёр истаб қолади.

Музейлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг адоғи, чеки кўринмаса керак. Ер юзидаги ҳамма музейларнинг ўз ўрни бор. Чунки, музейлар тарихимиз кўзгуси. Замон тараққий этган сари, ўтган ҳар бир йил тарихга айланаверади. Шундай экан, музейларсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди.

РЕКЛАМА ВА СПОРТ

TÜV CERT EN ISO 9001

“QIZILQUMSEMENT” Certificate № 0410020050368

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОАЖ ЖАМОАСИ

муҳтарама оналаримизни, опа-сингилларимизни 8-март Хотин-қизлар куни билан чин юракдан муборакбод этади.

Дилингиздаги барча орзу ва ниятларингиз рўёбга чиқишига тилакдошмиз. Қалбингизни энг гўзал сифатлар – бағрикенглик, самимийлик, беғуборлик тарк этмасин!

ФУТБОЛ

Одилжон КАРИМОВ

Чемпионат карвони йўлга тушди

Юртимизга баҳор кириб келди. Бу фаслни футбол мухлисларичалик интизорлик билан кутадиган инсон бўлмаса керак. Сабаби, бу фаслда юртимизда футбол баҳсларига старт берилади. Мамлакатимиз жамоалари миллий чемпионатимиз баҳсларига киришса, “Пахтакор” ҳамда “Бунёдкор” клублари Осиё чемпионлари лигасида, “Нефтчи” эса Осиё футбол конфедерацияси кубогида иштирок этади.

Янги мавсум олдидан деярли барча жамоаларимиз ўз олдиларига юксак мақсадларни қўйган ҳолда клубда бир қанча кўзга кўринарли ишларни амалга оширдилар. Четдан кучли мураббий ва легионерлар таклиф этилди, жамоаларнинг молиявий аҳволи яхшиланди, стадионлар замонавий усулда таъмирланди, фан-клуб ташкил этилди.

Сўнгги янгиликларга кўра, бир неча йиллар олдин миллий чемпионатимизда муваффақиятли тўп сурган, кейинчалик эса фаолиятини Қозоғистон суперлигасида давом эттирган Жаъфар Ирисметов, Февзи Давлетов ҳамда Қайрат Ўтабоев каби тажрибали футболчилар “Андижон” клуби билан 1 йиллик шартномага имзо чекканлар. Тошкентнинг “Пахтакор” жамоаси ҳам янги мавсум олдидан таркибни бир неча янги футболчилар билан бойитди. Булар: Сербия ва Черногориядан марказий ҳимоячи Баян Милодинович, Самарқанднинг “Динамо” жамоасидан ярим ҳимоячи Дилшод Шарофиддинов ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сардори Шерзод Каримовлардир.

Баҳорнинг биринчи куни - 1 мартда мамлакатимизнинг саккизта стадионида Ўзбекистон 18-миллий чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ўзбек футболининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган футболчилар, мураббийлар ва мутасадди шахслар иштирок этдилар. Эл суйган санъаткорлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан барча стадионга йиғилган мухлисларни хушнуд этдилар. Шундан сўнг, 1-тур баҳсларига старт берилди. Албатта, дастлабки тур кутилмаган натижаларсиз ўтмади. Андижонга сафар қилган Тошкентнинг “Локомотив” жамоаси 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Олий лига дебютанти “Хоразм”, Бекободда «Металург» клубини худди шу ҳисобда мағлубиятга учратди. “Пахтакор” ўз уйида Рауф Инелеев бошчилигидаги “Бухоро” жамоаси устидан 3:0 ҳисобида муваффақиятга эришди. Қолган учрашувлар натижалари: “Динамо”-“Бунёдкор” - 0:1, “Навбаҳор”-“Олмалиқ” - 0:0, “Суғдиёна”-“Машъал” - 1:0, “Насаф”-“Шўртан” - 4:2, “Қизилқум”-“Нефтчи” - 2:1.

ЎГИТ

Тўлмагунча то садаф дур бўлмагай.

* * *

Пухтанинг ҳолини ҳеч билгайми хом?

* * *

Кўзага жо бўлгуси денгиз, бале,
Бир кунинг ул кўзага сиғмас вале.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳар йили Гренландиянинг ғарбий соҳилларидан 15 000 та айсберг ажралиб чиқади.

* * *

Бир қарашда Антарктида бошдан-оёқ муз билан қопланганга ўхшаса-да, уни 5 та вулқон “иситиб” туради.

* * *

1994 йили австралиялик биолог тоғли дара бўйлаб сайр қилаётган чоғида ботаника фанига мутлақо номаълум бўлган дарахтни кўриб қолган.

ТУРФА ОЛАМ

“Илоҳий мўъжиза”

Европалик астрономлар NGC 7293 номини олган фазовий жисмни суратга олишди.

Рангин жисм шу қадар тиниқлигиданми журналистлар уни “илоҳий мўъжиза” деб аташга жазм этишган. Айтишларича, ушбу фазовий жисм тахминан 700 нур йили оралиғида жойлашган экан. Жисм Ла-Силла обсерваториясидаги 2,2 метрли телескоп орқали аниқланган. Шундан сўнг, астрономлар уни Wide Fields Imager камераси ёрдамида уч хил рангдан фойдаланган ҳолда суратга туширишган. Астрономларнинг таъкидлашича, мазкур объект иккита дискдан иборат экан. Дискларнинг энг ёрқинроғи соатига 200 минг километр тезликда кенгаяркан. Ҳисоб-китобларга кўра, дискларнинг ёши 12 минг йилдан ошиқроқ бўлиши ҳам мумкин.

Асар уяли телефонда ёзилди

Роман ва асарлар қоғозга туширилиши, сўнг компьютерда терилгач, китоб ҳолига келтирилиши сир эмас. Бироқ, японияли Юме Хотару ёзган бестселлер мобил телефонда битилганига нима дейсиз?

Маълумотларга қараганда, 22 ёшли Юме Хотару бу асарга 2007 йилда қўл урган. Адиб асарнинг деярли барча бобларини кўчада, транспортда кета туриб ёзган экан. Асар якунига етгач, у Интернет орқали мамлакат бўйлаб тарқатилган. “Илк тажриба” деб номланган ушбу асарда ўлмас мавзу – севги ҳақида сўз боради. Шунданми, асар ёшлар орасида тезда оммалашиб кетган. Асарга бўлган қизиқишни кўрган ноширлар дарҳол мобил бестселлерни китоб ҳолида чоп этиш учун муаллифдан рухсат сўрашади. Табиийки, муаллиф бунга розилик ҳам беради. Шунга қарамай, япон ёшлари асарни асл кўринишда, яъни уяли телефон орқали ўқишни маъқул кўришмоқда.

Энг қадимий сўзлар

Британиялик тадқиқотчилар инглиз тилида мавжуд энг қадимий сўзларни аниқлашди.



Уларнинг хулосасига кўра, инглиз тилидаги “I” (мен), “we” (биз), “who” (ким), “two” (икки), tree (уч) каби сўзлар энг қадимий эмиш. Мазкур сўзлар муомалага киритилганига 40 минг йилдан ошиб кетибди. Олимларнинг фикрича, энг кўп ишлатиладиган сўзлар ҳозирга қадар ўзининг асл ҳолини йўқотмаган. Чунки, бундай сўзлар камдан-кам ҳолларда ўзгараркан. Аксинча, шакли тез-тез ўзгариб турувчи сўзлар муомаладан шунчалик тез чиқиб кетармиш. Қолаверса, Рединг университети олимлари сўзларни тўғри талаффуз қилиш қачондан бошланганини ҳам аниқлашга муваффақ бўлишган. Уларнинг гапига қараганда, инглиз тилидаги сўзлар талаффузи ўз-ўзидан пайдо бўлиб, кейинчалик инглизлар орасида оммалаша бошлаган экан.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси директори, партия фаоли Зуҳриддин Исомиддиновга отаси **Низомиддин ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-223, Адади — 5870

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Дилноза ҲАЙИТОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.00.

1 2 3 4 5 6 8